

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



**ЎЗГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ
УЧУН УСЛУБИЙ ТАВСИЯ**

ТОШКЕНТ-2011

Сизга тавсия этилаётган ушбу тўпламда оромгоҳ фаолиятининг маълум бир йўналишлари қамраб олинган. Тавсияларда ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ўтказиладиган тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича кўрсатмалар, маслаҳатлар берилган.

Тузувчилар:

М. Қурбонова РТМ бўлим бошлиғи
М. Холмуротова РЎС нинг услубчиси
Ш. Норматов РЎС услубий бўлим
бошлиғи
Х. Жалолов Республика ёшларининг
“Биоэкосан” ўқув-услубий
мажмуаси директор ўринбосари

Тақризчилар:

М. Шафиев
У. Парпиев

“Ёз -2011” услубий қўлланмаси Республика таълим маркази қошидаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгаш йиғилишининг 2011 йил март ойидаги қарори билан фойдаланиш учун таввсия этилган.

ЁЗ – 2011

Мана, ҳадемай ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари бағрида минглаб болалар дам оладилар. Аслида оромгоҳлар дам олиш масканлари вазифасини ўтаса ҳам, у ерда ўтказиладиган ва олиб бориладиган ҳар бир иш бола дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини шакллантириш, унинг ҳар томонлама маънавий камол топишига ёрдам берувчи асосий тарбия манбаи бўлиб хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса оромгоҳда фаолият кўрсатаётган барча тарбиячи ва етакчилар ёз давомида ўз маҳоратларини тўла намоён этиб, бола шахсига яқиндан ёндошишлари, ундаги инсонийлик ва ижобий хислатларни шакллантиришга туртки бўлувчи қизиқарли ишлар мажмуасини ташкил этишлари лозим. Албатта, бу ўринда оромгоҳ бошлиғи зиммасига катта масъулият юклатилади. Чунки у ўзига берилган ҳуқуқ доирасида оромгоҳ иш фаолиятига оид масалаларни тўлалигича ҳал этади. Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини сермазмун ва қизиқарли ўтказиш учун жойларда алоҳида тайёргарлик кўриш керак. Тадбирлар режасини тузишда вилоят халқ таълими бошқармаси ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари масъул ходимлари, мактабдан ташқари таълим муассасалари педагог-ходимлари, мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари, синф раҳбарлари, болалар етакчилари, фан тўгараги раҳбарлари, маҳалла, ота-оналар қўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Камалак» болалар ташкилоти аъзолари яқиндан кўмаклашиб, ҳамкорликда иш олиб борсалар ўқувчиларнинг таътил кунлари ниҳоятда сермазмун ўтади.

Таътил болаларнинг мириқиб дам олишлари, турли туман тадбирларда иштирок этиб, ижодий ва ташкилотчилик қобилиятларини ривожлантиришга кенг имкон берувчи давр. Оромгоҳда ёш авлодни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда ватанпарварлик, дўстлик, тенглик, адолат, ҳамкорлик каби болаларни бирлаштирувчи бунёдкор ғояларга йўғрилган таълим-тарбия жараёни, яратувчилик муҳитини шакллантиришда ҳам асос ҳисобланади. Комил инсонни тарбиялаш масканларидан бири сифатида оромгоҳларда болалар ва ўсмирлар мустақил равишда бадиий-эстетик, адабий, жисмоний тарбия ва бошқа қизиқишларга оид воситалар ёрдамида миллий урф-одатлар, анъаналар руҳидаги оммавий тадбирлар тизимини шакллантиришга шароит яратиш лозим.

Болалар ва ўсмирларнинг ёзги соғломлаштириш даври муайян аниқ белгиланган муддат ва шароитда ўтказилиб, таълим тизимининг бир қисми бўлмоғи ва маънавий-маърифий тарбия изчиллигини таъминлаши лозим.

Шу мақсадда барча оромгоҳлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун олиб борилаётган ишлар мазмунини қуйидаги босқичларга белгилаш мумкин:

- 1 - босқич: Маънавий-маърифий ишлар;**
- 2- босқич: Эстетик завқ бағишловчи тадбирлар;**
- 3 – босқич: Кутубхона фаолияти;**
- 4 - босқич: Меҳнат кўникмаларини сингдириш ва касбга йўналтириш;**

Мазкур босқичларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда оромгоҳларда ташкил этиладиган тадбирлар мазмунига Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 20 йиллик муборақ тўйи танталарини руҳи жо бўлиши, мустақиллик даврида эришилган ютуқларни акс эттирувчи кўرғазмалар ташкил этиш, сценарийлар яратиш, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурининг ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятини, мазмун-моҳиятини очиб берувчи давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари, викториналар ташкил этиш лозим.

Тадбирлар тизими, турли мавзулардаги китоблар билан бойитилган кутубхона, баҳс-мунозаралар, қувноқлар ва зукколар мусобақаларида, спорт ўйинлари, тўғараклар, саёҳатлар ҳамда бошқа қизиқарли машғулотлар, оромгоҳ рамзлари, гуруҳлар шиорлари каби хилма-хил шакл ва услублар болаларда ёрқин таассурот қолдиради.

Шунингдек;

Эстетик тарбия тушунчасини шакллантиришда болалар ва ўсмирларнинг ёшлари, мойилликлари, қизиқишлари ва қобилиятларини алоҳида эътиборга олиб, миллий мусиқа маданияти, тасвирий санъати, халқ ҳунармандчилиги, жаҳон маданияти ва санъати дурдоналарини тўғарак машғулотларида ўрганиш ҳамда тадбирларда кенг қўллаш мақсадга мувофиқ.

Ватанпарвар ва байналминал инсон тарбиясини амалга оширишда оромгоҳда етарли шарт-шароитлар мавжуд бўлишини назарда тутиб, сайёҳлик ва ўлкашунослик йўналишларида яратилган тўғарак, клублар, болалар тузилмалари орқали амалга оширилади. Шунингдек, турли миллатга тегишли дам олувчи болаларлардан иборат янги дўстлар орттириш, тил ўрганиш, дўстлик клублари ташкил этиш имкониятларини беради.

Меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда болаларда жисмоний ва ақлий меҳнатга бирдай ҳурмат уйғотиш, уларда меҳнатсеварлик ва яратувчанлик ҳислатларини шакллантириш борасида назарий машғулотлардан ташқари оромгоҳ ҳудудини ободонлаштириш ва бошқа амалий ишлар орқали тарбиявий муҳит яратиш мумкин.

Экологик тарбияни шакллантириш ва ўстиришда атроф-муҳитга, меҳр-муҳаббат муносабатларини шакллантириш, болаларнинг табиат қонунларини кузатиш, табиат ҳодисаларини таҳлил этиши, экологик муаммоларни амалиётда ўрганиш ва муҳокама этишлари, бевосита тажриба ўтказишлари мумкин.

Оромгоҳларда ҳуқуқий - ахлоқий тарбияни шакллантириш давлат қонунларини, жамоани ва кўпчилиكنи ҳурмат қилиш, болаларнинг ўз-ўзини бошқариш тамойиллари орқали юзага келади. Шунингдек, болаларнинг ёш ва ақлий жиҳатларидан келиб чиқиб, қизиқарли ҳуқуқий баҳс-мунозаралар ўтказиш мумкин. Оромгоҳ тартиб - қоидаларига амал қилиш, одоб-ахлоқ меъёрларини бажариш ва юксак интизом ҳам ҳуқуқий тарбиянинг бошланишидир.

Оромгоҳларда иқтисодий, жисмоний, касбий тарбия йўналишлари борки, тарбиячи ва етакчиларнинг ижоркорлиги, ташаббускорлиги ва топқирлиги орқалигина ажойиб натижаларга эришиш мумкин. Айниқса, иқтидорли ва истеододли болалар билан ишлашда уларнинг мавжуд имкониятларини намоён этишларига шароит яратиб бериш ва улар намунасида бошқа тенгдошларининг имкониятларини ҳам кашф этиш мумкин. Жисмоний тарбия ва спорт йўналишида фақат соғломлаштиришгина эмас, балки, таълим-тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади. Оромгоҳларда оммавий спорт мусобақалари қатори махсус машғулотлар ҳам ўтказиш зарур. Бунда болаларнинг ёш, билим даражалари, саломатликлари ва жисмоний имкониятларини ҳисобга олиш муҳимдир. Спорт машғулотлари шаклларига: гигиена гимнастикаси, чиниқтириш, саломатлик дақиқалари (соати), ҳаракат учун танаффус, сайр қилиш, айрим гуруҳлар учун жисмоний тарбия соати, спорт тўғараклари, саломатлик ва спорт кунлари, жисмоний тарбия байрамлари, спорт турлари бўйича секциялар, оромгоҳда спорт байрамлари киради.

Оромгоҳларда «Болалар ташкилоти» фаолиятини ташкил этишда ёш жиҳатларидан келиб чиқиб, 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун “Камалак” болалар ташкилотини тузиш ва бу тизим асосида уларнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Болалар ташкилотининг асосий вазифаси — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш, уларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишдан иборат.

Болалар ташкилотининг сардорлари ёрдамида гуруҳларнинг бошқариш тизими юзага келтирилади. Бу эса болаларнинг жамоа сифатида бир мақсад учун мустақил бирлашувларини шакллантиради.

Болалар ташкилоти болаларнинг ташаббускорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, бирлик, мустақиллик каби қатор фазилатларини уйғотишга хизмат қилади. Бу келажакка босилган биринчи қадамдир. Айниқса,

етакчи ва гуруҳ сардорларининг интилувчанлиги, ташаббускорлиги ҳамда бошловчилик қобилияти муҳим аҳамиятга эга.

“Олтин мерос” йўналишида болалар аجدодларимиз мероси, тарихий ва меъморий обидалар билан яқиндан танишадилар.

“Экосан” йўналишида болалар Ўзбекистон табиатини ва алоҳида муҳофаза қилинувчи миллий боғлар, қўриқхоналар, табиат бойликлари, сирлари ва ёдгорликларини ўрганадилар.

“Иқтисодиёт” йўналишида болаларни бозор муносабатлари, унинг тузилиши, ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳақидаги тушунчалар билан таништирилиб, уларга тадбиркорлик, ишбилармонлик, бизнес ҳақида тушунчаларни ўрганадилар.

“Соғлом авлод” йўналишида болалар жамоа ва гуруҳлари ўртасида теннис, футбол, миллий кураш, волейбол, қўл тўпи каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади, машҳур спортчилар ҳақида суҳбатлар ташкил этилади, учрашувлар уюштирилади. “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари тарғибот-ташвиқот этилади.

“Нафосат” йўналишида болалар ўзбек ва жаҳон болалар адабиёти, саноати, мусиқа, тасвирий саноат тарихи, театр ва кино ижодкорлари ҳаёти ва ижод намуналари билан танишадилар.

“Умид” йўналишида кашфиётчилик, лойиҳалаштириш ишларини олиб бораётган истеододли болалар қўллаб-қувватланади ва уларнинг олимлар, халқ усталари, ижодкор ва санъаткорлар билан учрашувлари йўлга қўйилади.

“Камалак болалар ташкилотининг ҳар бир фаолият йўналиши ўз мазмуни, шакли ва услубига эгадир. Бунда етакчиларнинг ижодий маҳоратига таянган ҳолда болаларнинг қизиқиш ва интилишлари асосида гуруҳларни шакллантириш лозим.

Оромгоҳлар фаолиятини режалаштириш.

Оромгоҳда болалар келгунга қадар мураббийлар жамоаси билан ҳамкорликда (оромгоҳ бошлиғи, бош етакчи, етакчи, тарбиячи, тўғарак раҳбарлари, тиббиёт ходимлари, жисмоний тарбия ўқитувчиси) III мавсум (навбат)га мўлжалланган фаолият режаси тузилади ва мураббийлар кенгашида муҳокома этилади, тасдиқланади. Ушбу режа оромгоҳдаги муҳим ва умумий ишларни, асосий йўналишларни аниқлаб берувчи фаолият дастури бўлганлиги сабабли, уни тузаётганда қизиқарли, ранг-баранг тадбирлар мазмунига истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ёшларни бахтли, баркамол авлод қилиб тарбиялаш, ўз иқтидор ва истеододларини тўла намоён этиш учун барча имкониятлар яратилганлиги масаласига эътиборни қаратиш лозим.

Уч мавсум (навбат)га мўлжалланган Истиқбол режаси оммавий-ташкилий ишлар, маънавий- маърифий ишлар, мураббийлар жамоаси билан ишлаш услублари, соғломлаштириш ва чиниқтириш ишлари ва

хўжалик ишлари каби бўлимлардан иборат бўлиши, тўғараклар, клублар, спорт секциялари режалари эса илова қилиниши мумкин. Оромгоҳда қуйидаги йўналишда иш режалар бўлса, фаолият тўлиқ кечади.

1. Оромгоҳнинг Истиқбол режаси.
2. Оромгоҳ бошлиғининг шахсий иш режаси.
3. Бош етакчи ва етакчининг иш режаси.
4. Катта тарбиячи ва тарбиячининг иш режаси.
5. Турли йўналишлар бўйича тўғарак раҳбарларининг ўқув режалари.
6. Таклиф, фикр ва мулоҳазалар дафтари.
7. Олиб борилган ишлар бўйича мониторинг дафтари.
8. СЭС ходимларининг назорати учун «Тозалик дафтари».

Оромгоҳ болалар гуруҳининг 1-мавсум (1-навбат) га мўлжалланган ойлик режаси, яъни тақвим фаолият режалари бўлиши ва мазкур иш режалар оромгоҳ Истиқбол режасига мувофиқлаштирилади. Болалар гуруҳида "Болаларни соғломлаштириш оромгоҳи" тўғрисидаги Низом талаблари асосида ёши ва қизиқишларини ҳисобга олиб 10-14 ёшдаги ўқувчилар гуруҳи 30 нафар, 7-9 ёшлар гуруҳи 25 нафардан ошмаслиги лозим.

Оромгоҳ ходимлари ва болаларнинг умумий мажлиси оромгоҳ ҳаёти ва иш фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи Кенгаш ёки ўз-ўзини бошқаришнинг органини сайлаши, оромгоҳ Уставини қабул қилиши мумкин. У Низомга зид келмаслиги керак. Оромгоҳ соғломлаштириш ва дам олиш масканлари вазифасини ўтаса ҳам у ерда олиб бориладиган фаолият бола дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини ўстириш, маънавий камол топишига ёрдам берувчи тарбия ўчоғи ҳамдир. Шу сабабли гуруҳ режаси тузишга киришиш болаларнинг оромгоҳга қадам қўйган дақиқаларидан бошланади. Етакчи, тарбиячилар болаларни ётоқхоналарга жойлаштириш, тушликка чиқиш, улар билан ўзаро мулоқот ва суҳбатлар жараёнида ҳам тарбияланувчиларнинг фикр-мулоазалари, интилишларини билиб олишга ҳаракат қилишлари лозим. Гуруҳлар ўртасида «Билимдон бола», «Энг яхши таклифлар муаллифи», «Зукко бола», «Тафаккур эгаси», «Файласуф бола», «Маънавиятли бола» «Зукко замодош» номинациялари бўйича танлов ўтказилиб болалар томонидан билдирилган энг қизиқарли таклифлар сараланиб иш режага киритилади.

Гуруҳнинг иш режаси, номи, шиори рамзи туширилган ва дид билан безалган деворий газета белгиланган жойга осиб қўйилади. Болаларнинг оромгоҳда мавсум (навбат) давомида неча кун бўлишларига мўлжаллаб тақвим режаларини умумий ҳолда «Келажакка саёҳат», «Орзулар рўёби», «Қувноқлар мамлакатига саёҳат» ва ҳоказо деб номлашлари мумкин.

Оромгоҳни жиҳозлаш ва безаш

Ҳар бир оромгоҳ ўз шароити ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, ёзги соғломлаштириш оромгоҳи тарбиявий ишлар мазмунини белгилашда болаларнинг соғломлаштириш ва тарбиялаш жараёнида маънавий-ахлоқий ва миллий удумларни, инсоний муносабатлар каби бебаҳо сифатларни шакллантиришни асосий вазифа қилиб олиш лозим шунингдек, тарих сабоқларини болалар кўз ўнгида гавдалантира олиш мақсадида оромгоҳда ўтмиш авлодларимиз ҳаёт йўли, уларнинг олижаноб фазилатлари, ижод йўли билан таништириб боровчи тадбирлар кўламини кенгайтириш ҳам зарур. Бунда асосан буюк алломаларимиз саркарда ва бобокалонларимизнинг ҳаёт саҳифаларини ёритувчи турли кўринишдаги тадбирлар, суҳбатлар, учрашувлар, радио эшиттиришлар, деворий газеталар ва кўргазмалар ташкил қилиш ва ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Оромгоҳни ташқи жиҳатдан безатилишига эътибор берилиши лозим. Юқорида таъкидлаганимиздек, оромгоҳни жиҳозлашда албатта Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги шодиёналарига алоҳида эътиборни қаратишимиз лозим. Поннолар ва плакатлар, чақириқ ва шиорларни танлашда албатта ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Оромгоҳ номидан тортиб, айвон, бассейн, ошхона, ўйин майдончалари, кутубхона, стадион, тўғараклар ўтиш хоналари, бино деворларига мавсумга мос шиорлар “”Мустақилликнинг 20 йиллигини муносиб кутиб олайлик”, “Аъло ўқишимиз сенга, она Ватан”, “Истиқлол берган неъмат”, «Биз сени соғиндик, оромгоҳ», «Ёз, ўтмоқда соз!», «Ёзги таътил- бир умрга татир», «Марҳаматли ёз- сендан бир умр миннатдоримиз», «Салом ёз», «Салом, оромгоҳ», «Оромгоҳга хуш келибсиз» каби шиорлар, турли мазмундаги даъватлар, донолар ва донишмандлар ўғитларидан намуналар, соғломлик ва чиниқишга чорловчи чақириқлар осиб қўйилса, бу ҳам тарбиявий мақсадга ҳизмат қилиши шубҳасиз. Шунингдек, оромгоҳда дам оловчи ўқувчи ёшларнинг миллий – маънавий қадриятлар, маданий меросимиз, халқ педагогикаси, тарихий қаҳрамонлар ва алломаларимизга меҳр – муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳам энг биринчи галдаги вазифа бўлиши лозим. Соғломлаштириш оромгоҳи болаларда янги дўстлар орттириш, ўзлари ёқтирган машғулотлари билан банд бўлишлари, уларнинг турли йўналишлар бўйича қобилиятларини синаб кўриш имкониятини беради.

Шунинг учун соғломлаштириш оромгоҳида спорт-соғломлаштириш, бадий эстетик, ижодий, касб-хунар каби йўналишлар бўйича тўғараклар, клублар ва спорт секцияларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Сир эмаски ўқувчи- ёшлар турли хил касб-хунарларга жуда қизиқишади. Шунинг учун маҳаллий имкониятга қараб, оромгоҳда касбга оид

тўғараклар ташкил этиб, болаларнинг шуғулланишлари учун шароит яратиб қўйилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Тўғарак машғулотларини куннинг биринчи ярми ва иккинчи ярмида бир вақтда, ёппасига ўтказиш вақтнинг тежалишига имкон беради. Ҳар бир тарбиячи, етакчи кам деганда бир тўғаракка раҳбар бўлиши керак. Оромгоҳдаги тўғарак раҳбарлари машғулотлар учун зарур шароитлар яратадилар, ҳар бир дам олиш даври учун тақвим режа тузадилар, машғулот ўтказиш хоналарини зарурий материаллар, хом ашёлар, кўргазмали қуроллар, техника воситалари билан жиҳозлайдилар.

Ташкилий давр.

Болалар оромгоҳга жўнашидан олдин шифокор ва тиббиёт ҳамшираси яна бир бор болаларнинг тери-баданини ва ҳароратини кўриқдан ўтказадилар, ҳамда тиббиёт ҳужжатларини текшириб кўрадилар. Болада бирор бир касаллик аломати аниқланганда тиббиёт ходими уни оромгоҳга жўнатишга рухсат бермайди.

Транспортга чиқишдан олдин ўқувчилар гуруҳларга тақсимланади, етакчи ва тарбиячи болаларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун жавобгардир.

Оромгоҳни ўз қарамоғига олган ташкилотнинг касаба уюшма кўмитаси техник жиҳатдан соз бўлган автобусларни ажратиб беради, ҳайдовчиларни ҳаракат йўналишлари билан таништиради, йўриқнома беради, автобусларнинг техник ҳолатини пухта назорат қилиш ишини ташкил этади. Автокалонни ДАН ходимлари кузатиб борадилар унинг тезлиги 40 км/соатдан ошмаслиги лозим.

Болалар автобусдаги мавжуд ўтириш ўринларига мувофиқ жойлаштирилади. Автобуснинг чап томон ойналари ёпиқ бўлади. Автобус тўхтаганда, ундан аввало етакчи чиқади. У эшик олдида туриб болалар сонини текшириб чиқади, шундан кейингина юриш учун ҳайдовчига рухсат этилади. Ўқувчилар оромгоҳга келгач, ётоқхоналарга жойлаштирилади. Етакчи ёки тарбиячи уларни оромгоҳ атрофи, ёнғинга қарши ҳавсизлик чоралари, аргимчоқлардан фойдаланиш қоидалари, кундалик режим билан таништиради.

Болаларнинг ҳаёти ва саломатлигига ҳавф туғилган тақдирда оромгоҳнинг ҳар-бир ходими ҳавфни бартараф этиш учун барча чораларни кўриш, бор кучи билан ҳушёрлик кўрсатиш шарт. Портлаш ҳавфи бўлган буюмлар учраган тақдирда улар билан муомала қилиш қоидаларини билиш зарур, жароҳатланиш, ёнғин ҳавфи манбаларини тугатиш ёки бартараф қилиш тадбирларини кўриш зарур. Корпуслар, техника-ҳўжалик хизмати биноларининг ертўлаларида, қурилиш майдончаларида болаларнинг ўйнашларига йўл қўймаслик керак.

Болаларнинг дарё, сув авзаси, денгиз бўйида бўлиши, оромгоҳ

етакчиси ва тарбиячиси кузатувисиз сайрга чиқишлари катъий ман этилади.

Тиббиёт ходимлар болаларнинг шахсий гигиенага риоя этишларини кузатиб боришлари шарт.

Ҳар бир оромгоҳда ёнғин чиқиш ва табиий офат эҳтимолига қарши болаларни кўчириш режаси бўлиши керак. Оромгоҳ ҳудуд бегона кишиларнинг бўлиши ва яшаши тақиқланади. Ота-оналар мавсум (навбат) давомида бир марта (оромгоҳ ҳудуд) болаларини келиб кўриши мумкин. Ташқаридан келтирилган озиқ-овқатлар шифокор рухсати билан болаларга берилади.

Оромгоҳ ходимларининг лавозим вазифалари.

Оромгоҳ бошлиғи:

Болалар соғломлаштириш оромгоҳида умумий раҳбарлик қилади, мураббийлар жамоаси, хўжалик хизматчилари фаолиятини, ташкилий, тиббий ва маданий-оммавий ишларни юксак самадорликка эришишга йўналтиради.

Касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда педагогик кадрлар ва маомурий-хўжалик ходимларини танлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйишга раҳбарлик қилади. Меҳнат Қонунига мувофиқ ходимларнинг вазифаларини белгилаб беради. Оромгоҳ иш режасини, тадбирларини тузади, уларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилади. Педагогик кенгаш ишини бошқаради. Техника хавфсизлиги, бўлинмалар рабарлари ишини, меҳнат муҳофазаси ва санитария аволини мунтазам назорат қилиб боради. Иш юритишни тўғри олиб борилишини, маблағлардан оқилона фойдаланишни таоминлайди. Ўзига берилган ҳуқуқ доираси асосида оромгоҳ ишига оид масалалар ҳал этади. Озиқ-овқат масулотларига буюртма тузишда бевосита иштирок этади. Уларнинг ўз вақтида етказиб берилиши ва тўғри сақланиши, маҳсулотларининг омбордан бериш тартиби, уларнинг ишлатилишини назорат қилади. Таомномани, болаларнинг овқатланиши, унинг тўйимлилигини, сифатини мунтазам назорат қилиб боради, овқатнинг сифатли тайёрлашда ошпазларга йўриқнома беради. Болалар ўртасида олиб бориладиган ишларда, тадбирларни тайёрлаш ва ўтказишда, эрталабки сафланиш ва йиғилишларда иштирок этади, имконият даражасида гуруда ўтказиладиган байрамларга қатнашади. Болалар, ота-оналар билан субат ўтказиши. Поход ва саёҳатлар уюштирилганда оромгоҳ бўйича ички буйруқ чиқаради, раҳбар тайинлайди, йўл харитасини тасдиқлайди. Барча хизматчиларга тегишли ишларни бажаришни буюради. (озиқ-овқат масулотларини бериш, тиббиёт ходимлари иштирокида ва ҳ.зо) оромгоҳни моддий-техника базасини бойитиш, унинг умумий аҳволи

дори – дармонлар, юмшоқ ва каттик жихозлар, технологик асбоб-ускуналар билан таоминлашишига жавоб беради. Бу масалаларни бажаришда оромгоҳ тегишли бўлган ташкилот раҳбари ва касаба уюшмаси қўмитаси олдига ўз вақтида талабнома қўяди ва биргаликда ҳал этади.

Оромгоҳ бошлиғи ҳукуматнинг болалар тўғрисида чиқарилган қарор ва фармойишлари, юқори касаба уюшмаларининг қарорлари, фармойишлари, Йўриқномалари, Халқ таълими вазирлигининг болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига тегишли санитария меъёр ва қоидаларини билиши зарур.

У олий маълумотга эга, камида 5-йиллик педагог иш стажини бутилиши, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида камида 2-йил ишлаган бўлиши шарт. Раҳбар бўлиши учун аёлларнинг ёши 55 гача, эркеклар учун 60 гача бўлиши лозим.

Иш режасида 12 кун давомида болалар билан олиб бориладиган ишлар мажмуи ўрин олади. Оромгоҳ болалар жамоасининг иш режасида оромгоҳ бўйича ва гуруҳларда ўтказиладиган тадбирлар ўрин олади. Тадбирлар мажмуига байрамлар, кечалар, кўрик-танловлар, суҳбатлар киради.

**Оромгоҳ болалар жамоасининг бир сменага (мавсумга)
мўлжалланган иш режаси**

1- вариант

№	Белгиланган ишлар мазмуни	Ўткази лиш муддати	Ўткази лиш жойи	Масъул лар	Изоҳ
1- Кун					
1	Болаларни қабул қилиш, жойлаштириш, оромгоҳ бўйлаб сайёҳат уюштириш. “Келинг танишайлик”, “Ўз ҳақимда сўзлайман” мавзуида (гуруҳларда) ташкилий йиғин. “Дўстлик тароналари” рақс кечаси				
2- Кун					
2	Барча гуруҳларда оромгоҳ масумининг очилиш маросимига тайёргарлик ишлари. Гуруҳларда “Ёш ижрочилар”, “Ижодкор ёшлар” танловларини ўтказиш. “Марҳабо талантлар				

	умуморомгоҳ танлови” “Ўзбек эстрадаси юлдузлари” мавзуида дисткотека				
3-кун					
3	“Камалак бизнинг ташкилотимиз” мавзуида гуруҳларда “Камалак” болалар ташкилоти ҳақида суҳбатлар. “Тонг юлдузи” газетаси “Гулхан”, “Ғунча” журналлари саҳифаларидаги мақолалар, хабарлар билан танишиш. “Болалар ташкилоти йилномаси” мавзуида деворий газеталар танлови. Оромгоҳнинг очилиш маросими.				
4-кун					
4	“Ўйин ва ўйинчоқлар” куни. Гуруҳларда ўйинчоқлар тайёрлаш. “Ўйинчоқлар фабрикаси” фаолиятини ташкил этиш. “Қувноқ усталар мамлакатига саёҳат” ёш ижодкорларнинг умуморомгоҳ кўргазмаси. “Миллий халқ ўйинлари” умуморомгоҳ фестивали				
5-6 – кун					
5	Оромгоҳ спартакиадасининг очилиш маросими. Теннис, қўл тўпи, миллий кураш, футбол, волейбол, баскетбол, югуриш, сузиш бўйича мусобақалар. Умуморомгоҳ даврий газетаси ва радио эшиттиришларининг махсус спорт саҳифаларини тайёрлаш. Умуморомгоҳ спартакиадасининг ёпилиш маросими				
7- кун					
6	Гуруҳларда “Дўст билан обод				

	уйинг” мавзуида суҳбатлар, шеърят соатлари ташкил этиш. Гуруҳларда турли миллат ва элатларнинг миллий халқ ўйинлари ташкил этиш, эртаклар оламига саёҳат уюштириш. “Дўстлик чаманзори” мавзуида ёш ижрочиларнинг умуморомгоҳ танлови				
8-9-кун					
7	Оромгоҳда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20-йиллигига бағишлаб “Ўзбекистон – мустақил, ҳуқуқий демократик давлат!”, “Ўзбекистон- келажаги буюк давлат!”, “Биз Ўзбекистон фарзандларимиз!”, “Ватан абадий”, “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон!” каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш. “Ўзбекистон 20 йил ичида” видеолавҳалар намойиши. “Шарқ бозори” халқ амалий санъати, ҳунармандчилиги, миллий либослар, таомлар ярмаркаси. “Мустақиллик-менинг тақдиримда” ёш мусаввирларнинг умуморомгоҳ кўргазмаси. “Ўзбекистон, тенглар ичра тенг ўзинг!” байрам дастури. “Ўзбекистон- Ватаним маним!” ёш ижрочиларнинг умуморомгоҳ танлови.				
10- кун					
8	Оромгоҳда “Нептун” куни. Гуруҳларда “Нептун” кунини ўтказиш бўйича суҳбатлар ва тайёргарлик ишлари. Гуруҳларда либос ва				

	реквизитларни тайёрлаш. Сузиш мусобақаси. “Нептун” сахналаштирилган байрам умуморомгоҳ тадбири				
11- кун					
9	Гуруҳларда оромгоҳ мавсумининг ёпилишига бағишланган тайёргарлик ишлари. Гуруҳларда ҳисобот йиғинларини ўтказиш. “Балли қизлар!”, “Балли ўғил болалар!” умуморомгоҳ танлови. Туғилган кун оқшоми				
12- кун					
10	Гуруҳларда даврий газеталарнинг ёпилиш маросимига бағишланган сонини тайёрлаш. “Яхши қол жонажон оромгоҳим!” оромгоҳ радиоёшиттириш ларининг махсус сони. “Оромгоҳ ижодкорлари” ижодкорлар кўргазмаси. Оромгоҳ мавсумининг ёпилишига бағишланган йиғилиш. Гулхан				

Тавсия этилган мазкур режа тахмийй йўлланма бўлиб, уни тўлдириб, кенгайтириб оромгоҳ фаолиятига татбиқ этиш эса сизнинг ижодингиз ва маҳоратингизга боғлиқдир. Шунингдек режада “Сихат-саломатлик”, “Касб кунларини нишонлаш”, “Қуёшни қаршилаш”, “Қуноқлар ва зукколар”, “Қувноқ қалам”, “Эртақлар-яхшилиikka етаклар” каби тадбирларни ҳам режалаштириб ўтказишингиз мумкин.

Тузилган иш режасини чиройли, ёрқин бўёқлар орқали жиҳозлаш ҳамда кўринарли жойда болалар ўқишига қулай тарзда жойлаштириш ҳам унинг ҳаётга татбиқ этилишида ёрдам беради. Уни “Қувноқлар шахрига саёҳат”, “12-кунлик саёҳат харитаси”, “Зукколар ва қувноқлар мамлакати”, “Болалик довони” каби номларда чиройли қилиб жиҳозлаш ҳам мумкин.

Оромгоҳ болалар жамоасининг бир сменага (мавсумга) мўлжалланган иш режасининг 2 - варианты

12-кунга мўлжалланган ишлар мазмуни (Болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш талаб этилади)

1- кун. «Тозалик, Озодалик, Кўркамлик, Саришталик куни»

-Болаларни қабул қилиш, ётоқхонага жойлаштириш, жамоа йиғини, «Саришталик» ва «Сардорлар» танловларини ўтказиш.

- Оромгоҳ атрофи, табиий муҳити, хизмат кўрсатиш ходимлари ва кун тартиби билан танишув.

- «Келинг, танишайлик», «Бир-биримизни биламизми», «Дўстлашишни хоҳлайсизми?» мавзулари юзасидан танишув кечасини ташкил этиш. Кечки йиғин.

2-кун. «Оромгоҳнинг очилишини тантанали нишонлаш» куни

- Гуруҳнинг ташкилий йиғинини ўтказиш, гуруҳ бурчагини жиҳозлаш, гуруҳ шиори, номи, қўшиғини танлаш. Оромгоҳда ташкил этилган тўгараклар фаолияти билан танишиш, хоҳиш- истакларига кўра уларга аъзо бўлиш.

- Болалар қўшиқлари, миллий ўйинлар, турли миллат ва халқларнинг кизиқарли ўйинларини ўрганиш.

- Оромгоҳнинг очилишига тайёргарлик кўриш. «Хуш келибсан болажон – салом сенга оромгоҳ!» номли театрлашган очилиш маросимига иштирок этиш. Кечки йиғин.

3-кун. «Саҳнадаги талантлар куни»

Эрталабдан барча гуруҳлар оромгоҳнинг очилиш маросимига тайёргарлик ишларида иштирок этадилар.

«Хуш келибсан, болажон», «Салом сенга, Оромгоҳ!» номли тантанана ўзлари тайёрлаган саҳна намоиши, байрам костюмлари билан иштирок этиш, бошқа гуруҳлар билан ҳам яқиндан танишиш.

Гуруҳнинг кечки йиғинида оромгоҳ очилши тантанаси борасидаги фикрлар билан ўртоқлашиш.

4-кун. «Эртақлар оламига саёҳат куни»

«Эртагим – эртақ, сўйлайман чўпчак» мавзусида болаларнинг ўзлари ижод қилган эртақларини оромгоҳ амфитеатрида саҳна кўринишлари орқали ижро этишга тайёрлаш. Энг яхши гуруҳ ва энг маҳоратли ижро эгаси тақдирланади.

Кечки йиғин.

5-кун. «Мўъжизалар оламига саёҳат куни»

Кун давомида оромгоҳдан ташқарига саёҳатга чиқишга тайёргарлик ишларини олиб бориш. Болаларда кўникма ҳосил қилиш учун, «Доктор Войжоним», «Мен бургутман, сен Лочин», «Бувижон, ёрдам беринг» каби ўйин мусобақаларини ўтказиш. Унда болалар биринчи тиббий ёрдам, табиат билан қандай муносабатда бўлиш, саёҳатга чиқиш қоидаларини машқ қилишади.

«Тоза ҳаво – танга даво» гуруҳнинг табиат қўйнига саёҳатга олиб чиқиш. турли доривор ўсимликлар билан таништириш, улардан коллекция тўплаш.

Кечки йиғин.

6- кун. «Кўргазмалар куни»

Тўгараклар куни. «Биз устамиз ҳар ишда, яратамиз бир пасда» мавзусида болаларнинг ўзлари ясаган қўл меҳнати намуналари, тайёрлаган ўйинчоқлар, кўргазмасини ташкил қилиш. «Энг чиройли буюм», «Энг оригинал қўғирчоқ», «Энг улкан машина», «Жажжи буюм», «Ихчам қутича», «Чиройли уйча» каби кўргазмалар учун «Энг иқтидорли бола», «Истеодод эгаси», «Энг яхши мусаввир», «Энг яхши конструктор» номинациялари бўйича ўқувчиларни тақдирлаш.

Тушдан сўнг «Балли йигитлар» тадбирини ўтказиш. Кечки йиғин.

7- кун. «Ижодий ўйинлар куни»

«Қироллик куни ва кечаси». Бу кун болалар оромгоҳни айланишиб, суратларга тушишади, дўстларига, тарбиячи ва етакчиларга эсдалик совғалар бериб, бирга сайр қилишади, бир-бирлари билан манзиллар алмашишиб, кетишга тайёрланишади.

Тушдан сўнг оромгоҳ амфитеатрида «Қувноқ дақиқалар» кўнгилочар байрам кечаси ўтказилади. Унда ҳар бир гуруҳ оромгоҳда ўтган энг қизиқарли воқеаларни сахнада намоиш этадилар. Кечки йиғин.

8-9 кунлар. «Соғлом ва баркамол авлод куни»

- Катта ёшлилар учун «Соғлом авлод юртимиз келажаги» мавзусидаги спорт байрамига тайёргарлик кўриш. Барча гуруҳлар сафланиш, бадан тарбия ва ритмик гимнастика машқларини кўрсатиши, «Умид ниҳоллари» ўйинларида иштирок этган ўқувчиларнинг байрамда чиқишларини ташкил этиш.

- Кичик ёшлилар гуруи учун «Алпомиш ва Барчиной» ўйинлари доирасида байрамга иштирокини таъминлаш, «Кичкинтоймиз-гизингтоймиз» даовати остида спорт байрамига кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш.

- «Ўзбекистон ифтихорлари» мавзусида викторина. Гуруҳлараро беллашув.

- Спорт байрамини якунлаш, ғолибларни аниқлаш, рағбатлантириш. Кечки йиғин.

10-кун «Ҳажв ва аскиялар куни»

«Орзулар мамлакатига саёҳат». Гуруҳлар болаларга хос орзу ва истакларни юмористик (ҳажвий) усулда сахналаштирадилар. Оромгоҳ амфитеатрида кулги ва аскиялар ижро этиш. Кечки йиғин.

11-кун. «Эсдаликларни тайёрлаш куни»

«Сени соғинамиз оромгоҳ!» мавсумий ёпилиш маросимини ўтказиш. Оромгоҳ ҳаётидан турли, чизилган расмлар, фотоалбомлар, эсдаликлар, буклетлар, тайёрлаш.

- Гуруҳнинг кечки йиғинида етакчи ва болалар давра суҳбатини ўтказиш. Оромгоҳ таассуротлари билан фикр алмашиш. Кечки йиғин.

12 – кун «Хайрлашув куни»

«Яхши қол, қадрдон оромгоҳим!» хайрлашув йиғилиши ўтказиш. Радиоузел орқали болаларнинг оромгоҳга, тарбиячи ва етакчиларга, тўғарак раҳбарларига ташаккурномалари, дил изҳорлари, раҳбариятнинг болаларга хайрлашув сўзлари қўйиб берилади. Болалар, етакчи ҳамроҳлигида оромгоҳдан жўнаб кетадилар.

Катта етакчининг фаолияти.

Унинг вазифаси янгиликка интилиш, ташаббускорлик орқали оромгоҳдаги болаларни битта аҳил дўст, жамоага бирлаштира олишдир. У болалар орасида ўзини моҳир педагог, ижодкор, турли тадбирлар ташкилотчиси сифатида намоиш этиш қобилиятига эга бўлиши лозим. У мураббийлар жамоаси, оромгоҳдаги фаол болалар билан бутун жамоани миллий истиқлол ғояларига, Ватанга ва ҳалққа муҳаббат, садоқат ҳиссини тарбиялашда, 3-мавсум давомида ўқувчиларда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтириш, оромгоҳ режасида белгиланган вазифаларни бажаришда, болалар қизиқишларни ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Оромгоҳдаги тарбияси оғир болалар, ҳуқуқбузарликка мойил болалар, носоғлом oilаларнинг болалари билан тарбиявий ишларни ташкил этади. Болаларнинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги, моҳирлигига таянган ҳолда турли тадбирларни ташкил этади, қизиқарли ўйинлар, кўргазмалар, тарихий саналар ва оммавий байрамлар, саёҳатларни уюштиради. Болалар ва ўсмирлар ўз-ўзини бошқариш тузилмаларининг ишини режалаштириш, уларнинг бажарилишини таоминлаш орқали болаларнинг дам олиш мавсумидаги фаоллигини оширади. Оромгоҳда жамоа ишини ва педагогик гуруҳ ишини биргаликда режалаштиради, гуруҳлар, тўғараклар, кутубхона, спорт секциясининг ишларини назорат қилади ва болаларни ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини оширишга кўмаклашади. Умумий ҳисоботларни олиб боради. Болалар жамоаси йиғинларини ва оромгоҳнинг барча тадбирларини тайёрлашда ва ўтказишга кўмаклашади. Гуруҳ етакчилари ва тарбиячиларига методик ёрдам кўрсатади, оромгоҳ бўйича навбатчилик жадвалини тузади, хизматчиларнинг дам олиш куни, сайр ва походларни мувофиқлаштиради. Илғор иш тажрибаларни ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради. Оромгоҳ иш фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил қилади. Бош етакчи олий ёки ўрта-

махсус педагогик маълумотга эга, камида 5 йил иш стажи бўлиши, ёши 40 ёшгача бўлган, болалар билан ишлай оладиган, тарбиявий ишларни ташкил этиш малакасига эга бўлган шахс тайинланади.

Катта тарбиячи.

Оромгоҳда таълимий- тарбиявий ишларнинг барқарор ва бир тизимда бўлишини ташкилий жиҳатдан таъминлайди, педагогик кенгаш ишларини мувофиқлаштиради, баённомаларни олиб боради. Тўғараклар, гуруҳлар, спорт секциялари, кутубхона, тиббиёт хонаси ишларини биргаликда режалаштиради, қилинган ишларнинг ҳисоботини олиб боради, оромгоҳ иш тартибининг бажарилишини таоминлайди ва назорат қилади. Катта етакчи билан ҳамкорликда ишлайди, мураббийлар жамоаси билан семинар – тренинглар ўтказади, барча тадбирларнинг ўтказилишига бош-қош бўлади. Гуруҳларда фойдаланиш учун методик хужжатларни расмийлаштиради.

Оромгоҳнинг Истиқбол режасига ва бошқа тегишли режаларда қуйидаги мазмунда бандларни киритади ва унинг ижросини таъминлаш борасида фаолият олиб боради:

Ёш авлодни миллий ғоя асосида тарбиялаш, болалар қизиқишларига қараб турли йўналишдаги тўғаракларни ташкил этиш, эстетик тарбия, ватанпарварлик ва байналминал инсон тарбияси, болаларни менатсеварлик руҳида тарбиялаш, экологик тарбия, ҳуқуқий- ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия ва спорт ишларини шунингдек, оромгоҳда «Камалак» болалар ташкилотини тузиш ва бу тизим асосида уларнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкил этади. Катта тарбиячи олий ёки ўрта-махсус педагогик маълумотли, камида 5 йил иш стажига эга, оромгоҳда камида 2 йил ишлаган малакали, тарбиявий ишларнинг сир – асрорларини биладиган, ёши 45 дан ошмаган шахс бўлиши лозим.

Гуруҳ тарбиячиси.

Ўзига топширилган гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиғи учун юридик ва ахлоқий жиҳатдан жавоб беради. Тарбиячи гуруҳ ва гуруҳ мулки учун моддий-масъул шахс ҳисобланади. Гуруҳнинг ҳар кунги иш режасини амалга оширади, унда гуруҳ ва болалар билан боғлиқ барча тарбиявий тадбирларни (уйғотиш, эрталабки бадан тарбия машқлари, хоналарни тозалаш, болалар билан тарбия мавзусида суҳбатлар ўтказиш, нонушта, тушлик, иккинчи тушлик, кечки овқат, ётиш) ўтказади. Тарбиячи ва етакчи эрталаб болалардан 30 дақиқа олдин, «Турилсин» сигнали берилиши билан уйғотади, уларнинг соғ-саломат эканлигига ишонч осил қилгач эрталабки бадан тарбия машқларини бажаришга олиб боради. Нонушта тайёр эканлигини билдирувчи буйруқ берилгач болалар

ошхонага олиб борилади. Тарбиячи ва етакчи ошхонада барча хавфсизлик чораларини кўриши, овқатланиш маданияти ҳақида болаларга тушунча бериши лозим.

Нонуштадан сўнг навбатчи болалар ошхона ходимларига кўмаклашиш учун қолади, режа асосида гуруҳ болалари кун давомида қандай иш билан шуғулланмоқчи бўлса тегишли чоралар кўрилади. Масалан, гуруҳ походга чиқмоқчи бўлса кетаётган болалар сони, кийиниш тартиби, поход даврида фойдаланадиган зарурий буюмлар (байроқча, ҳуштак, компас, озиқ- овқатлар, дори- дармонлар солинган кутича) бўлиши текширилади.

Гуруҳ тарбиячиси шунингдек, болаларни чўмилиш ҳавзаларига олиб борганда сергак бўлиши, чўмилиш қоидаларини тез- тез эслатиб туриши, офтобдан сақланиш (офтоб уриши) чораларини кўриши, ухлаш ва дам олиш соатларида ҳамда ўқувчиларнинг ўз ўрнида эканлигини текшириб кўриши, бадани ёки эти лат емаганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Кундузги уйкудан сўнг болаларнинг кизиқишларига қараб тўғарак ишлари ва спорт секцияларига жалб этилади. Болаларнинг ўзи ёқтирган машғулоти билан шуғулланишга имкон бериш ва кўмаклашиш, оромгоҳнинг умумий тадбирларига қатнашишга ундаш, уларнинг истак, таклифларини инобатга олиш, болаларнинг сарамжон- саришта юриши учун шароитлар яратиш ва кўмаклашиш, (Кир ювиш, дазмоллаш, сартарошлик ишлари) одоб- ахлоқ меоёрларини (бир-бирига ёрдам бериш, саҳий ва саҳоватли бўлиш) ўйинлар орқали сингдиришга эришади. Гуруҳ тарбиячиси педагогик маолумотга эга, оромгоҳда тарбиявий ишларни ташкил этиш услубларини биладиган ходим бўлиши лозим. **Агар болалар** гуруҳи ўз жойида турли ўйинлар билан банд бўлса: олдиндан ҳамма хавфсизлик чора-тадбирларини кўриб қўйиш, ўша жойда ўткир кесадиган буюмлар тош, тахта, сим, сочиловчи жисмлар, нишаб жой, ўткир шох-бутоқларнинг бор-йўқлигини аниқлаб, текшириб кўриб кейин ўйнашга рухсат бериши керак. **Агар болалар** гуруҳи поход ёки саёҳатга отланса: кетаётган болалар сонини оромгоҳ бўйича навбатчига хабар бериш, сафнинг бошида ва охирида битта болага байроқча ҳамда ҳуштак бериб уни кузатувчи қилиб тайинлайди. Дори-дармонлар солинган сафар қопчасига эга бўлиш, поход қоидаларига риоя этиш, бош кийим ва махсус оёқ кийим бўлиши тўғрисида тушунча беради. Сувдан кечиб ўтиш жойларини аниқлаб беради, тоққа якка ҳолда чиқишга рухсат бермайди. Сувни фақат рухсат берилан жойдан ичиш, гулхан фақат рухсат билан ёқиш ва алангани рухсат берилган даражадан ошмаслигини таокидлайди ва кузатиб туради, охирида ўчиришни таоминлайди. Мабодо тунашга тўғри келганда ётиш жойларини синчиклаб текширади. Болалар чўмилаётганда ниҳоятда сергак ва ҳушёр бўлиши, кузатиб туриши талаб этилади. Ухлаш, дам олиш вақтида ҳамма болаларнинг ўз жойида эканлигини текшириб кўради

Гуруҳ етакчиси.

Катта тарбиячи билан бирга гуруҳ болаларининг ҳаёти ва соғлиги учун ҳам юридик, ахлоқий жихатдан жавоб беради. Оромгодаги соғломлаштириш мавсумида тарбиявий ишларни амалга оширишда табиячиларга кўмаклашади, гуруҳнинг кунлик режасини тузишда болаларнинг ўз-ўзини бошқариш органи билан биргаликда ишлайди, гуруҳ бурчакларини безашга кўмаклашади, гуруҳ фаолиятига оид маолумотлар тўплайди, болаларни тадбирларга руҳан тайёрлайди, ҳар бир болани ишга фаол жалб этишга интилади. Оромгоҳда ўтадиган барча тадбирларга якун ясайди, илғорларни тақдирлайди. Йўл қўйилган ютуқ ва камчиликларни таъкидлаб ўтади. барча соҳада шахсий намуна кўрсатади, болалар ўртасидаги тушунмовчиликлар, низоларнинг олдини олади, мажлис ва педагогик кенгашларда оромгоҳ фаолиятиги доир масалалар муҳокамасида фаол қатнашади, ўз таклифлари билан чиқади. Гуруҳ етакчиси педагогик маолумотга эга, оромгоҳда тарбиявий ишларни ташкил этиш услубларини биладиган ходим бўлиши лозим.

Тўғарак раҳбари.

Тегишли йўналишлар бўйича тўғарак аъзолари билан машғулотларини юқори методик савияда ўтказadi. Тўғаракнинг 3 мавсум давридаги иш режасини тузади, ўқув режаларининг бажарилишини таъминлайди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, тўғарак раҳбари машғулотни бошлашидан аввал болаларга қуйидагилар ҳақида тўлиқ тушунча беради:

1. Бўш вақтни қизиқишларига қараб йўналтириш.
2. Тўғаракнинг мақсад ва вазифаларини тушуниш
3. Техник хавфсизлик қоидаларни тушуниш.
4. Асбоб-ускуналар, чизмачилик асослари, табиий материаллар, хом-ашёлардан фойдаланиш қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлиш.
5. Тўғаракка келиб-кетиш қоидаларини ўқитиш.

Тўғарак раҳбари болаларнинг яқка қизиқишлари ва қобилиятларини ривожлантириш, севган машғулоти билан шуғулланиши, ижод қилиши, ўз кучларини қизиқишларига қараб синаб кўриш учун шарт-шароит яратиб беришда етакчи ва тарбиячиларга ёрдам қилади. Тўғаракларда ўқувчилар томонидан ишланган масулотларини кўргазмасини ташкил этади, ва тўғарак аъзоларининг рағбатлантириш чораларини кўради. Тўғарак таркибини танлайди ва тузади. Тўғарак аъзоларининг мусобақалар, кўргазмалар, концертлар ва бошқа оммавий тадбирларда иштирокини таъминлайди. Тўғарак аъзоларининг ўқув интизомига риоя қилишларини назорат қилади, уларнинг машғулотларга қатнашишини қайд этиб боради. Техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилишни ва

бажарилишини таоминлайди. Тўғарак хонасининг доимо тоза бўлишини талаб қилади.

Оромгоҳдаги тўғарак раҳбари ўз ишининг моҳир устаси, билимли, ўқувчиларни тўғаракларга жалб эта олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Етакчи ва тарбиячига болаларнинг қизиқиши ривожланишига, севган машғулотлари билан шуғулланиши учун шароитлар яратишда, техник моделларни ясашда, расм олишда, мусиқада ўз кучини драма саноатида синаб кўришида ёрдам беради, тўғарак жамоасини тўлдириб боради. Тўғарак қатнашчиларининг, мусобақаларда, кўргазмаларда, концертларда ва бошқа оромгоҳларда ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этишини таъминлайди.

Тўғарак аъзоларининг ўқув қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади, машғулотларга қатнашиш ҳисобини олиб боради. Техника хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлайди. Тўғарак хоналарини ҳамма вақт озода тутати ва буни тўғарак аъзоларидан талаб қилади. Хоналардаги жиҳозларни, асбобларнинг тўлиқ сақланишига жавоб беради ва тўғарак учун олинган хом-ашёдан унумли фойдаланишни кузатиб боради. Кўргазма хонасини тўғарак қатнашчилари томонидан тайёрланган маҳсулотлар билан тўлдириб боради. Тўғаракларга турли ёшга мансуб болалар қатнашишлари мумкин, лекин тўғарак турларида болаларнинг ёши ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар ўтказиш маоқулдир. Фаолият дастурида мавзу ва болалар билан ўтказиладиган машғулот турлари берилади. Тўғарак машғулотлари ҳафтада 3 марта 2 соатдан (45 дақиқа + 45 дақиқа) ўтилади. Жами 12 соатдан ошмаслиги керак. Тўғарак машғулотлари давомида болалар зерикмаслиги ва зўрикмаслиги лозим.

Тиббиёт ходимлари.

Болалар саломатлиги ва оромгоҳ тозаллиги учун жавобгар шахс. Оромгоҳда қабул қилаётган вақтда болаларни тўлиқ тиббий назоратдан ўтказиш, уларни тиббий маълумотномаси асосида қабул қилади. Айниқса соғлиги ёмонроқ, касалликка мойил болаларни аниқлаб улар аҳволини мунтазам кузатиб боради. Юқумли касалликлар пайдо бўлган тақдирда бу ҳақда соғликни сақлаш вазирлигининг тегишли бўлимлари ва санэпидстанцияга маълум қиладилар, оромгоҳ раҳбари назоратида касалхонага ётқизадилар.

Санитария-гигиена ишларини олиб боради, тиббиёт мавзуларида гуруҳларда суҳбатлар олиб боради, радио орқали чиқишлар қилади. Ошхона иши устидан муттасил назорат қилади, таомнома тузишда иштирок этади, тайёр овқат каллориясини аниқлайди, овқатларни «С» витамини билан тўйинтиришни таъминлайди. Ҳисобини олиб боради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг тўғри сақланиши ва уларнинг сифатлиги

жавоб беради. Идиш – товоқ ва технологик жиҳозларни ювишда давлат санитария назорат органлари талабларини бузишга йўл қўймайди.

Овқат тайёрлаш хоналари, ётоқхона ва оромгоҳ ҳудудидаги хоналарнинг санитария ҳолати, фойдаланадиган иш қуролларининг санитар ҳолатини текшириб туради, овқатга солинадиган тайёр маҳсулот меоёрини текширади СЭС талабларидан чиқиб кетмасликни кузатиб боради.

Бутун оромгоҳнинг санитар ҳолати устидан назоратни амалга оширади. Ҳар куни кечқурун гуруҳларни айланиб кўриб чиқади. Тарбиячи, етакчи ва болалар билан суҳбатлашади, уларнинг жисмоний ҳолатларини текширади. СЭС талабига асосан тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларни ишга қўйишни маон этади. Оромгоҳда ўтказиладиган тадбирлар давомида ўқувчилар соғлигини назорат этиб туради.

Жисмоний тарбия бўйича раҳбар.

Оромгоҳда спорт секциялари ишлари ва спорт тадбирлари режасини тузади, уни болалар жамоаси кенгашида тасдиқланганидан сўнг амалга оширади. Ҳар куни эрталаб бадан-тарбия машқларини ўтказади, спорт майдончаси ва спорт жиҳозларининг ҳолатига жавобгар шахс. Спорт секциялари ишини ташкил этади, болаларни маўғулотларга жалб этади. Бош етакчи ва фаоллар билан ҳамкорликда ҳарбий – спорт ўйинлар Низомини ишлаб чиқади ва уни ўтказишни уюштиради. Болаларга сайёҳлик асосларини ўргатади, етакчи ва тарбиячилар билан биргаликда бир кунлик походлар, саёҳатлар, туристик походлар ташкил этади. Оромгоҳда спартакиада, олимпиада, учрашувлар, бошқа оромгоҳ дам олучилари билан мусобақалар ўтказади. Дам олувчилар билан сайр, саёҳатларга иштирок этади.

Сузиш бўйича раҳбар.

Сув ҳавзаларининг санитар ҳолатини назорат қилади, болаларни жадвал асосида, ёш хусусиятларини эътиборга олиб сузишга рухсат беради. Болаларни жадвалда кўрсатилмаган вақтда чўмилишларига мутлақо йўл қўймайди. Белгиланган вақтда болаларни сузишга ўргатади. Болаларнинг чўмилиши, сузиш машқларида тарбиячи ёки етакчилардан бири болалар билан сув ҳавзасига тушиши, унда болалар сони 10 нафардан ошиб кетмаслиги, берилган буйруқ асосида сувдан чиқиш, чўмилишни офтобда қорайиш билан алмаштириб туриш, болаларни қуёш нуридан сақлаш каби ҳодисалардан сақлашга эътибор беради.

Оромгоҳ кутубхоначиси

Оромгоҳ кутубхонаси ёруғ, озода, ўқувчи- ёшларни бадий, саргузашт эртак китоблари билан дўстлашишга мослашган бўлиши керак. Кутубхоначи дам олувчиларнинг орасида китоб билан ишлашни ташкил этади. У кутубхона қошида кенгаш тузади ва кенгаш аозолари билан ҳамкорликда китобхонлик конференциялари, ижодий учрашувлар, адабий кечалар, давра суҳбатлари ташкил этади. Кутубхона ишини ташкил этишда ўқувчилар ёшини ҳисобга олиш 7-9 ёшлилар учун алоҳида, 10-14 ёшлилар учун алоҳида тадбирлар тузиш ва ўтказишда тарбиячи, етакчиларга яқиндан кўмаклашиш лозим. Кутубхонанинг кун тартиби оромгоҳ биносининг кўринарли жойига, ўқишга қулай тартибда жойлашиши керак.

Шунингдек, ўқувчилар ўқиган китобларидаги таассуротларини қоғозда акс эттиришлари учун кутубхонада расмлар, плакатлар, расм солиш учун бўёқлар, рангли қаламлар, фламастер, маркерлар ва ватман бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек, кутубхона қошида китобларни таомирлаш бўйича болалар устахонасини ташкил этади

Мустақил ватаннинг келажаги бўлмиш баркамол авлодни соғлом ва маонан етук қилиб тарбиялашда кутубхоналарнинг алоҳида ўрни бор.

Оромгоҳларда кутубхона фаолиятини режалаштиришда уч босқичга мўлжалланган иш режа тузилади ва тасдиқланади.

Оромгоҳ кутубхонаси ёруғ, озода, ўқувчи ёшларни бадий, саргузашт эртак китоблари билан дўстлашишга мослашган бўлиши керак. Оромгоҳ кутубхонасининг кун тартибини кўринарли жойда, болалар ўқишига қулай тарзда жойлаштириш керак. Оромгоҳда «Китобим офтобим», «Китоблар, дўстлик оламига етаклар», «Эртаклар яхшиликка етаклар», «Сехрли оламга саёҳат», «Тафаккур гулшани», «Китобхон бола», «Китоблар билан ишлаш» каби тадбирлар, қизиқарли мусобақалар, тез айтишлар, «Ибратли мақолалар», конкурсларини ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчиларнинг ўз таассуротларини қоғозда акс эттиришлари учун кутубхонада расмлар, плакатлар, ишлаш учун рангли бўрлар, бўёқлар, қаламлар, фламастер бўлиши лозим.

Мусиқа раҳбари.

Болаларни эстетик руҳда тарбиялашда тарбиячи ва етакчиларга кўмаклашади, оромгоҳда бадий ҳаваскорлик тўғрагини тузади, тадбирларда фаол бошчилик қилади. Мусиқий кечаларни уюштиради, гуруҳлар ўртасида ашула фестивали, ҳаваскорлик кўрик-танлоларини ўтказди.

Оромгоҳ бўйича маъсул навбатчи.

Оромгоҳнинг кун тартиби, оромгоҳ қоида ва интизомига қатъий риоя қилишни кузатиб боради. Оромгоҳда бўладиган барча ўзгаришлар ва камчиликлар тўғрисида оромгоҳ бошлиғини хабардор қилади. Агар навбатчилик «Ота – оналар куни»га тўғри келиб қолса жамоа навбатчилигини ташкил этади, болаларни ота-онаси билан учраштиради. Тиббиёт ходимлари билан бирга санитария интизомига ва болаларни кўргани келган ота-оналарга билан тиббиёт талабларига риоя қилиш зарурлиги тўғрисида суҳбат ўтказади. Навбатчи оромгоҳ ҳудудида бегона шахслар киришини ман этади. Гуруҳларнинг оромгоҳдан чиқиб кетиши ва қайтиб келишини назорат қилади. Оромгоҳ бўйича маъсул навбатчи ваколатини фақат оромгоҳ бошлиғи ёки катта етакчи бекор қилиши мумкин.

Оромгоҳда «Маънавият хонаси»ни ташкил этиш ва жиҳозлаш бўйича тавсиялар.

«Маънавият хонаси»ни ташкил этиш ва жиҳозлаш кенг қамровли ва мураккаб иш эканлигини назарда тутиб қуйидагиларни тавсия қиламиз.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти портрети сурати;
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари (Байроқ, Герб, Мадҳия) ва уларни тўлиқ таснифи;
- Маънавий-маърифий ислохотларга оид фармонлар, фармойишлар, қонунлар ва қарорлар жамланмаси;
- Миллий маънавиятимизнинг забардаст вакиллари, буюк қомусий олимлар, шоирлар, маорифатпарварлар сиймолари акс эттирилган суратлар ҳамда уларнинг донишмандона фикрларидан намуналар;
- Халқимизнинг маданий мероси, анъаналари, удумларини акс эттирувчи кўргазмалар;
- Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ва унинг ҳузуридаги Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан чоп этилган адабиётлар;
- Ёш қаламкашларнинг ижод намуналари;
- Хадислардан намуналар, таълим –тарбияга чорловчи диний ахлоқий китоблар,

«Ўзбекистон Республикаси Президенти» деб номланган бўлимда

Республика Президентининг таржимаи ҳоли, сурати, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, амалга оширган ислохотлари, маънавиятга дахлдор асарлари, фармон, фармойишлари, қарорлари жой олмоғи шарт.

Шунингдек, «Юксак маонавият – енгилмас куч», «Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришдир» каби китобларининг бир неча нусхасини қўйиш, улар юзасидан савол-жавоблар, суҳбатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

“Мустақил Ўзбекистон – 20 ёшда” бўлимида асосий эътиборни мустақиллик йилларида фарзандларимиз учун яратилган шарт-шароитлар, берилган имкониятлар ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар, юрт, Ватан тушунчасининг нақадар кенг ва улуг, туганмас қудратга эга эканлигини акс эттирувчи фото –кўргазма, мустақиллик йилларида кадр рослаган иншоотлар ва тарихий шаҳарларнинг акси туширилган расмлар, плакатлар, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китоблар, Ватан тимсоллари, рамзлари ўз ифодасини топиш керак.

Давлат рамзларига алоҳида ҳурмат ва эътиборни қаратиш лозим. Чунки ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, миллий одоб қоидаларига риоя қилиш, муносиб фуқаро бўлиш, Ўзбекистон Республикасининг Давлат Герби, Байроғи ва Мадҳиясини билиш, ҳурмат қилиш улар билан боғлиқ бўлган маросим тантаналарини адо этишлари зарур. Оромгоҳда, оромгоҳ бошлиғи раҳбарлигида барча мураббийлар ўқувчилар билан биргаликда Давлат Мадҳиясини хор бўлиб айтишлари ёшларда катта таассурот қолдириб, ижобий таъсир кўрсатади. Маънавият хонасида турли тадбирлар, жумладан, «2 июл-Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун» муносабати билан «Давлатимиз рамзлари-маънавий куч қудратимиз» мавзусида давра суҳбатини ўтказиш мумкин.

«Маънавият – олий қадрият» бўлимини жиҳозлашда жиддий ёндошиш лозим. Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, урф-одатларини, тилини билмаган, қадрламаган ёшларда миллий ғурур, ўз халқи билан фахрланиш ҳисси, миллатпарварлик каби туйғулар бўлмайди. Шу сабаб маонавиятимизнинг улкан алломалари ва сиймоларини билиш ва уларнинг асарларидан баҳраманд бўлиш ёшларимиз учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Маонавиятимизнинг буюк сиймолари бўлмиш Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Фирдавсий, Мусо Ал-Ҳоразмий, Абу Носир Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Нодирабегим, Огаҳийлар ҳамда фикҳ илмининг султонлари Ат-Термизий, Исмоил Ал-Бухрий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий каби донишмандларнинг ҳаёти ва ижоди, ўғит насихатларидан намуналар келтириш мумкин.

«Буюк ипак йўли» бўлимида ипак йўлининг харитаси, тарихи, қадимда савдо қилган давлатлар ҳақида, ҳозирда Ўзбекистоннинг буюк ипак йўли орқали бошқа давлатлар билан ҳамкорлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи маълумотлар жой олади.

«Эртактлар шаҳарчаси» бўлимини оромгоҳда дам олаётган болаларнинг аксарият қисмини кичик ёшдаги болалар ташкил этилишини назарда тутиб дид билан, чиройли қилиб безаш айни муддаодир. Эртактлар шаҳарчасида ўзбек халқ эртактлари асосида яратилган суратлар, турли хил ҳайвонлар, қушларнинг тасвири, эртактаги жажжи уйча, ялмоғиз кампир, тандир, ин, уялар каби персонажлар макетлари ўрин олиши мумкин.

Хуллас, «Маънавият хонаси»ни қай даражада бойитиш педагог ходимларнинг маҳоратига боғлиқ. Изланиш, ижодий ёндошиш маънавиятни юксалтиришга ҳисса қўшишини англамоғимиз лозим.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури асосида амалга ошириладиган ишлар мазмуни ва услуги.

2010 йилнинг декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан 2011 йил “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинди.

Дастурда мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили, мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш учун аниқ мақсадга йўналтирилган кенг чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш тизими белгилаб берилган.

Шундай экан ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам болалар билан бир қатор ижобий иш услубларини амалга ошириш лозим. Бунинг учун ҳар бир боланинг жамиятда бўлган иқтисодий сиёсатини англаш, шунга кўра турмуш даражасини оширишга, шахсий эҳтиёжини қондиришга ёрдам берувчи самарали фаолият билан шуғулланишни таъминловчи иқтисодий билим, кўникма, малака, усул, қоидалар билан таништиришга йўналтирилган ишлар мажмуасини иш фаолиятда қўлламоқ зарур.

Оромгоҳда “Ёш тадбиркорлар”, “Менежмент ва маркетинг”, “Ёш иқтисодчилар” тўғаракларини ташкил этиш ва тўғараклар машғулотлари жараёнида тўғарак аъзоларининг иқтисодий билим малакаларини эгаллашларига ёрдам бериш, тўғарак аъзоларининг оромгоҳ жойлашган ҳудуд атрофида фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳатлар уюштириш, уларнинг тайёр маҳсулотлари билан таништириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Оромгоҳ атрофида истиқомат қилувчи ҳунармандлар, яъни дуродгорлар, кулоллар, косиблар, нонвойлар, сандиксозлар, бешиксозлар фаолияти билан таништириш ишларини ҳам амалга ошириш лозим.

Шунингдек оромгоҳда “Ўзбекистон иқтисодиёти”, “Бир йигитга қирқ ҳунар оз”, “Миллий бурч ва масъулият”, “Ишбилармонлик ва бизнес”, “Тадбиркорлик ва рақобат каби” мавзуларда суҳбатлар ҳам уюштириш тавсия этилади.

Шу ўринда биз Сизга “Ёш тадбиркорлар” тўғрагини ташкил этиш юзасидан қуйидаги тавсияларни ҳам ёритишни лозим топдик.

Тўғаракнинг асосий мақсади болаларнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш, уларда тадбиркорлик фаолияти асослари, эркин тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш, тадбиркорликнинг асосий хусусиятлари билан таништиришга қаратилади.

“Ёш тадбиркорлар” тўғрагининг ўқув машғулотлари дастури

№	Машғулотлар мавзулари	Жами	Назарий	Амалий
1	“Тадбиркорлик”, “Ишбилармонлик”, “Бизнес” тушунчалари ҳақида	2	2	
2	Тадбиркорик фаолиятининг тамойиллари	2	2	
3	Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари (кичик, йирик ва қўшма корхоналар)	2	2	
4	Бизнес режа тузиш тартиби	2		2
5	Савдони ташкил этиш тартиби	2		2
6	Бизнесни юритиш тартиби	2	2	
	Жами	12	8	4

Машғулотлар мавзулари:

1. “Тадбиркорлик”, “Ишбилармонлик”, “Бизнес” тушунчалари ҳақида маълумотлар берилади. Бу машғулот давомида тадбиркорлик,

ишбилармонликнинг асосий хусусиятлари, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг вужудга келиши ва ривожланиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тизимини янада кенгайтириш бўйича аниқ қўлланма ва кўрсатмалар берилади.

2. Тадбиркорлик фаолиятининг тамойиллари машғулотида болаларга республикамизда қабул қилинган “Тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Мулкчилик тўғрисида”ги, “Солиқлар тўғрисида”ги Қонунлар билан таништирилади. Сўнгра ташкил этиладиган корхона тури, унга керакли қурилмалар ва материаллар зарурлиги, қанча маблағ сарфланиши каби тушунчалар берилади.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг шакллари (кичик, йирик, қўшма корхоналар) машғулотида корхоналарнинг иш олиб бориш тартиби тушунтирилади. Уларнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалиги корхоналари савдо фирмалари тарзида ташкил этилиши ҳақида, қўшма корхоналарнинг Ўзбекистонда қандай фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида тушунчалар берилади.

4. Бизнес режа тузиш. Ушбу машғулот орқали бизнес тури, корхона мулки, тури ва ҳуқуқи, тизими, маҳсулот ва хизмат турлари ҳақида маълумотлар берилади.

5. Бизнесни юритиш тартиби машғулотлар орқали суғурта, лицензия, ижара ва ишни бошлаш мутахассис ходимларни ишга қабул қилиш ва уларга раҳбарлик қилиш, бошқариш тўғрисида маълумотлар берилади.

6. Савдони юритиш тартиби. Бу ўринда тўғарак аъзоларига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни реклама қилиш, улрага бўлган эҳтиёжни ўрганиш, маҳсулотни mijozларга етказиб бериш, нарх-навони белгилаш бўйича маълумотлар берилади.

Машғулотлар сўнгида тўғарак аъзолари билан қуйидаги тарзда анкета саволларини тўлдириш мумкин:

1. Бўш вақтингизда қандай ишлар билан шуғулланишни ёқтирасиз?
2. Шуғулланмоқчи бўлган фаолият турини нималарга асосланиб аниқладингиз? (қандай маҳсулотларни ишлаб чиқарасиз ёки қайси хизматларни амалга оширасиз?)
3. Сиз ўз ходимларингизга қандай ҳақ тўлайсиз?
4. Маҳсулот ва хизматларингизни қандай тарзда реклама қиласиз?
5. Ишлаб чиқарган маҳсулотингизни mijozларга қандай етказасиз?
6. Мутахассис ходимларни қандай тартибда ишга жойлаштираёсиз ва қай тартибда ҳақ тўлайсиз?
7. Корхонангиз кундалик иш жараёнида қандай тартибда ишлашни ким белгилайди?
8. Корхона қандай ҳужжатларга асосланиб фаолият кўрсатади?

9. Тадбиркорлик фаолияти шакллари изохлаб беринг

10. Тадбиркорлик ва рақобатни қандай тушунасиш?

Бундай саволларга берилган жавоблар орқали Сиз тўғарак аъзоларининг машғулотларда олган билимларини ва тадбиркорликка бўлган иштиёқини билиб оласиз. Бундай иш услуби эса кейинги машғулотларда мавзуларни қай услубда ўтказишингизга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон тенглар ичра тенг ўзинг” мавзуидаги байрам сценарийси

(Байрам ўтказиладиган сахна ва залда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, ташқи иқтисодий муносабатлар, жаҳон миқёсида эришга муваффақиятлари, республика таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларни акс эттириувчи расмлар, плакатлар, амалга оширилган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар, ўзбекистон ҳақида яратилган илмий-оммабон адабиётлар, бадий адабиётлар, плакатлар, харита, болалар томонидан яратилган ижод маҳсуллари кўргазмаси жойлаштирилган. “Ўзбекистон- келажаги буюк давлат”, “Истиқлолим-истиқболим”, “Дунёларни кучди ўзбек деган ном”, “Ўзбекистон-жаннатмакон диёр” каби бир қатор ёзувлар сахна тўрига осилган. Шунингдек “Ўзбекистон 20 йил ичида”, “дадил одимлар”, “Буюк сиймоларимиз”, “Ўзбекистон чемпионлари” сингари стендалар ҳам жиҳозланиши мумкин.)
(Радиокарнайдан кўшиқ янграйди ва сахнага бошловчилар чиқиб келишади)

1- бошловчи: Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,
Достонларда битган гулистон-
Ўзбекистон дея аталур,
Уни севиб эл тилга олур.
Чиройлидур гўё ёш келин,
Икки дарё ювар кокилин.
Қорли тоғлар турар бошида,
Гул водийлар яшнар қошида.

2-бошловчи: Бир ўлка-ки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлка-ки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлка-ки сал кўрмаса, қўёш соғинар..
Бир ўлка-ки, ғайратидан асаби чақнар,-
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

1-бошловчи: *Ассалому-алайкум байрам иштирокчилари, азиз меҳмонлар! Бугун оромгоҳимизда Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам шодиёналари давом этаяпти. Байрам шодиёналарини очиб бериш учун мен камоли эҳтиром ила сўз навбатини оромгоҳ бошлиғи _____га бераман.*

Оромгоҳ бошлиғи: Қадрли болажонлар, азиз меҳмонлар! Мен барча байрам иштирокчиларини бугунги байрам билан чин дилдан муборакбод этаман. Дарҳақиқат оромгоҳимизда байрам шукуҳи кезмокда. Биз Сизлар билан Республикамиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйини нишонламоқдамиз.

Азиз болажонлар, қадрли меҳмонлар! Мамлакатимизда истиқлолдан кейинги тарихан қисқа 20 йил ҳеч муболағасиз асрларга тенг йиллар бўлди. Ўтан давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар бир йили ўн, юз йилларга тенг бўлган тарихий йўлларни босиб ўтди. Бугун ҳаётимизнинг қайси соҳа ва жабҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган ўз ақл-заковоти, билими ва куч қудратига эришган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан буюк марраларга кўтарилишига қодир эканини исботламоқда.

Барча муваффақиятларимиз Президентимиз атрофида халқимизнинг жипслашганини ва қудратли давлат, демократик жамият куриш йўлидан оғишмай бораётгани билан боғлиқ.

Байрамимизнинг “Ўзбекистон-тенглар ичра тенг ўзинг!” деб номланиши бежиз эмас. Мен бугунги байрам тантанасини очик деб эълон қиламан.

(Давлат мадҳияси янграйди)

2-бошловчи: Бу гўзал офтоб мисол юртни Ўзбекистон дейдилар,

Бу диёр бағрини роҳат, боғу-бўстон дейдилар.

Боғлари булбулга ошиён, тупроғи олтинга кон,

Ранг-баранг зебу чиройинг элга дoston дейдилар.

1-бошловчи: Ҳа азиз дўстлар! Республикамиз истиқлол йилларида ўзгача тус олди. Замонавий осмонўпар биноалр, халқа йўллари, кўприklar, бир-биридан сўлим боғлар, сайилгоҳлар, он йўллари, спорт мажмуалари, янги қад кўтарган мактаблар, коллежлар биноларини кўриб дилингиз яйрайди.

(А.Мансуров муסיқаси, А.Кўчимов шеъри “Ўзбекистон-она, онажон!” кўшиғи ижро этилади.)

2- бошловчи: Мустақиллик йилларида таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури”нинг босқичма-босқич ҳаётга татбиқ

этилаётганлиги ҳукуматимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигининг бир тимсолидир.

1-бошловчи: Қисқа вақтларда сарҳадларинг кенг бўлди,
Ҳар бир йилинг асрларга тенг бўлди.
Она халқим мўъжизалар яратдинг,
Ўғлинг ёқа, қизинг сенга енг бўлди.

(А.Мансуров мусиқаси, Ғ.Комилов шеъри “Кел бахт куйин куйлайлик” кўшиғи ижро этилади.)

2- бошловчи: “Кимда-ким куч қудратмизга шак-шубҳа қилса, биз қурдирган иморатларга боқсин”, буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан шу сўзлари республикамизнинг бугунги кун тараққиётига қараб айтилгандай. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳрига ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар қадимий маҳобатли обидалар, буюк мутафаккирларимиз ва алломаларимиз мақбараларининг қайта тикланганини кўриб тасанно айтмоқдалар.

Албатта республикамизнинг бундай шон шуҳратга эга бўлишида Президентимизнинг бениҳоя хизматлари каттадир.

1-бошловчи: Истиклол йилларида қад кўтарган “Шаҳидлар хотираси” мажмуи, “Қатағон қурбонлари хотираси”, Хотира хиёбонлари, Эзгулик аркаси, Имом ал Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, ат-Термизий, Ғиждувоний каби алломаларимиз мажмуаларининг тикланиши фикримизнинг аниқ далилидир.

Темур ҳайкалига боқиб бир сайёҳ,
Деди хайратини яширмай бир дам:
“Аждодларин севган юртнинг соҳиб
Буюк келажакка бошлар элни ҳам..”

2-бошловчи: Олам кўргани йўқ Синодай табиб,
Навоий сингари мумтоз бир адиб.
Ал-Киндий чолғуси дилларга ҳабиб,
Ғазаллар, наволар ормижондир,
Келажаги буюк Ўзбекистондир.

1- бошловчи: Улуғбек нуридан самовот ёруғ,
Беруний пойлайди йилларни ёриб,
Яссавий кўзларга зиё ва маъруф,
“Зижи Кўрагоний” кашфи осмондур,
Келажаги буюк Ўзбекистондир.

(А.Мансуров мусиқаси, М.Али шеъри “Шундай кўшиқ куйласам” кўшиғи ижро этилади.)

2- бошловчи: Юртимизнинг ҳар бир ўғил қизи истиклол даврида улар учун кўрсатилаётган ғамхўрлик, таълим олишлари, касб-хунар

малакларини эгаллашларида яратилагн шароитларни кўриб, аجدодларимизнинг табаррук хоки ётган бу тупроқни ҳимоя қилишга доимо тайёрдирлар.

1- **бошловчи:** Халқнинг асрий орзу армони,

Шу ёшларга насиб этиш бахт.

Яшартирар кўҳна дунёни,

Қадамлари собит бу авлод.

Қувон халқим тик тут қаддингни.

Кам бўлмайсан ёруҳ жаҳонда.

Аритай деб дилдан дардингни,

Ёш авлод ўсмоқда Ватанда.

2- **бошловчи:** Ўзбекистон она юртим тан ичра жоним,

Истиқлолнинг йўлларида юрган карвоним.

Сени кутар йўлларингда нурли манзиллар,

Бошинг узра юртбошим бор, доно сарбоним.

Жамолингни дунё келиб томошо этсин,

Жаҳонга юз очган менинг равшан жаҳоним.

Бутун кўксинг мустақиллик водийси бугун,

Бахт иқболи жилва қилган эрка бўстоним.

1-бошловчи: Азиз тенгдошлар, ҳурматли меҳмонлар! Ватанимизни қанча таърифласак ҳам оз. Биз ёшлар она юртимизнинг гуллаб яшнаши учун ўз ҳиссамизни мустаҳкам билимимиз, донолигимиз, зукколигимиз билан қўшишимиз шарт.

2-бошловчи: Дилларимиз доимо қувончга тўлсин, кўнгилларни Ватанга бўлган меҳр, бир-биримизга бўлган муҳаббат тарк этмасин. Доимо соғ саломат бўлингизлар.

(“Ҳеч кимга қарам бўлмайди ўзбек” қўшиғи янграйди.)

Оммавий ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш услублари

Болаларда гўзаллик ҳиссини тарбиялаш, уларда борлиқдан завқ олиш, ён атрофдагилар билан доимо илиқ муносабатда бўлиш, табиатни эъзозлаш, ижодий қобилиятларини шакллантиришда оммавий ўйинларнинг ўрни муҳимдир. Шунинг учун ҳам оммавий ўйинлар болаларнинг энг сеvimли машғулотларидан ҳам биридир.

Оромгоҳда ўтказиладиган оммавий ўйинлар, яъни даврадаги ўйинлар, спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар болаларнинг дам олишларини мазмунли ўтказишга яқиндан ёрдам беради. Болаларда чидамлилиқ, самимийлик, меҳрибонлик, ўзини тута билиш ва бошқара олиш ҳисси, олийжаноблик, камтаринлик, атрофдагиларга эътибор қилиш, хушмуомалалиқ каби қирралари ўйинлар орқали шаклланади.

Қуйида тавсия қилинадиган ўйинлар оромгоҳ шароитига мосланган бўлиб, болаларни чаққон ҳаракат қилишга, жамоада бир-бирини ҳурмат қилишга одатлантиради.

Уста ва бўёк

Ушбу ўйинни асосан гуруҳларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Гуруҳ аъзолари ўйин майдонида бир қатор бўлиб тизиладилар. Улар орасидан 1 та бошловчи 1 та уста бўёқчи танланади. Қолган иштирокчилар “бўёк”лар бўлиб қолишади. Бошловчи “уста”ни ўйин ўтказилаётган жойдан бироз четга чиқишини сўрайди. Ўйин иштирокчилари орасида “бўёк”ларни бўлиб беради.

“Уста” ўйин бошловчисининг олдига келиб:

- Мен Сизнинг олдингизга бўёк олгани келдим,-дейди.

Бошловчи: Бизда бўёқларнинг турли хиллари мавжуд. Сизга қайси бўёк керак?- дейди

Агар уста “қизил” бўёк деса, у ҳолда “қизил бўёк” ўрнидан туриб 20-30 метр нарида белгиланган чизикқа қараб югуради. Уста унинг орқасидан югуради ва уни қувиб етишга ҳаракат қилади. Агар уста бўёққа етиб ололмаса, у ҳолда бўёк ўз ўрнига қайтиб келади ва ўзига бошқа бўёк турини танлайди.

Ўйин токи “уста” 5-6 та бўёқни ўзига олгунига қадар давом этади.

“Тўп дарвоза ичида”

Ўйинда 6 нафар ўғил бола иштирок этади. Улардан 5 нафари ўйинчи ва 1 нафари дарвозабон. Ўйинда қўл тўпидан фойдаланилади. Ўйин майдони 9х18 метрни ташкил этмоғи лозим. Ўйин майдонининг ўрта чизигида “дарвоза” ўрнатилади. Ўйин баскетбол ўйининг қисқартирилган конуни бўйича 5 дақиқа давомида давом этади. Ўйин ғолиблари дарвозага киритилган тўплар сони орқали аниқланадилар.

Тулки

Ўйин иштирокчиларининг 1 нафари “тулки”, 1 нафари “уй соҳиби” этиб тайинланадилар. Улар ўйин майдонининг қарама-қарши томонидаги бурчакда жойлашадилар. “Тулки” ўз уяси ташқарисида, “уй соҳиби” эса кичкина айлана ичида жойлашадилар. Кичкина айлана ёнида катта айлана чизилади. Бу айлана “товуқлар катаги” бўлиб, ҳисобланади. Уй соҳиби барча “товуқлар”ни “товуқлар катаги”га беркитиб қўяди.

Шу лаҳзада бир оёқда сакраганича чўлоқ тулки уй томонга яқинлашади. Уни уй соҳиби кутиб олади ва унга қуйидагича мурожаат қилади:

- Тулки, тулки, тулкижон, кечга томон қаерга отландинг?

Тулки: Мен бувимникига кетаяпман.

Уй соҳиби: Сен бувингникида нима қиласан?

Тулки: У ерда печ ортида пўстиним қолган

Уй соҳиби: Агар пўстининг ёниб кетган бўлса-чи?

Тулки: Унда мен бақириб-бақириб йиғлайман.

Уй соҳиби: Тулки, тулки, тулкижон, энди сен пўстинсиз қандай юрасан?

Тулки: Қайтиб келганимда кўрасан.

Уй соҳиби тинчланиб уйқуга кетади. “Тулки” эса бир оёқда “товуқлар катагига” киради. “Товуқлар” айлана ичида турли бурчакларга қараб чопадилар. “Чўлоқ тулки” эса улардан бирини ушлаб олишга ҳаракат қилади. Лекин у буни уддасидан ҳамма вақт ҳам чиқа олавермайди, чунки “товуқлар” орқасидан фақат бир оёқлаб югуриши шарт. Агар “чўлоқ тулки” икки оёқда югуриб ҳаракат қилса, у ҳолда “уй соҳиби” айлана ичида пайдо бўлади ва ўз ини томон югуриб кетаётган “тулки”ни ушлаб олишга ҳаракат қилади. Агар “уй соҳиби” тулкини ушлаб олишга муваффақ бўлса, у ҳолда “чўлоқ тулки” кейинги ўйинда ҳам худди шу зайлда ўйинни давом эттиради. Агар ушлаб ололмаса, у ҳолда ўйинда “чўлоқ тулки”ни ўйин иштирокчиларидан бири давом эттиради.

Ўйигирма дона таёқча

Ўйин майдончасида тўнка ўрнатилиб, унинг устига силлиқ тахта бир томони қия, бир томони баланд қилиб қўйилади. Тахтанинг қия томонига 20 дона таёқчалар қўйиб қўйилади. Ўйин иштирокчилари бир текисда чизик атрофида ўйинда иштирок этиш учун шай турадилар. Иштирокчилардан бири оёғи билан тахтани уради. Бу пайтда тахтанинг нариги учиди турган таёқчалар ҳар томонга сочилиб кетади. Ўйин иштирокчилари ўйин майдонидан 30-60 метрлар нарида белгиланган жойга югуриб боришлари ва орқага қайтишлари лозим.

Ўйин бошловчиси эса тарқалиб кетган таёқчаларни тўплаб, тахтанинг устига жойлаб қўяди ва биринчи бўлиб маррага етиб келган иштирокчини аниқлайди. Маррага биринчи бўлиб етиб келган иштирокчи бошловчи ўрнини эгаллайди.

Агар бошловчи иштирокчилар югуриб келгунларига қадар таёқчаларни тўплай олмаган бўлса, у ҳолда яна ўз ўрнида қолади.

Ушбу ўйин қуйидаги тартибда ҳам ўтказилиши мумкин. Тахта устига таёқчалар ўрнига копток қўйилади. Иштирокчи оёғи билан тахтани тепгандан сўнг, табиийки копток учиб кетади. Бошловчи коптокни илиб олади. Бу пайтда қолган иштирокчилар ўйин майдонидан анча олисга югуриб кетадилар. Бошловчи қачонки коптокни қўлига олгач иштирокчиларга “Тўхтанглар” деб хитоб қилади ва коптокни ўзига яқин турган иштирокчиларни бирининг оёғига уради. Агар копток оёққа тегса, у ҳолда ўша иштирокчи бошловчининг ўрнини эгаллайди.

Ўйин шу тарзда давом этаверади.

Таёқлар рақси

Ўйин иштирокчилари 2 гуруҳга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ сафда биттадан бўлиб тизиладилар. Гуруҳлардаги сафда турган биринчи ўйинчилар сафдан чиқадаилар ва бармоқларининг учида 100-150 смли таёқчани вертикал ҳолатда жойлаштирадилар. Қайси бир иштирокчи бармоқлар учидаги таёқчаларни кўп вақт оралиғида ушлаб турса, у ўз гуруҳига 1 балл очко олиб беради. Шундан сўнг гуруҳлардаги барча иштирокчилар ўз навбатида таёқни галма-галдан олиб ўз маҳоратларини намойиш этишади. Энг кўп очко тўплаган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

Қуёш дўстлари

Ўйин майдончасининг марказига қуёш тасвири туширилган. Қуёш тасвиридан 9 та айлана бўлинади. Ҳар бир айлана олдингисидан катта бўлиши керак. Айланалар шартли рвишда қуёш атрофида айланувчи сайёралар орбитасини тасвирлайди. (Зуҳро, Юпитер, Миррих, Ер, Сатурн, Уран, Плутон, Нептун, Меркурий). Қуёш тасвири олдида жойлашиб олган болалар катта-катта қадамлар билан барча айланаларга кириб чиқишлари керак. Ҳар бир иштирокчи айлана ичига кирганда баланд овозда ўзи турган сайёра номини айтиши лозим. Шунингдек ҳар бир иштирокчи айланадан-айланага ўтиш пайтида айлана ичида тўхтамаслиги керак. Барча айланалар ичига кирган ва сайёра номини тўлиқ айтган иштирокчи ўйин ғолиби ҳисобланади.

Дўстингни ҳимоя қил

Барча ўйин иштирокчилари айлана шаклида тизилиб ўтирадилар. Бошловчи истаган иштирокчининг олдида бориб, савол билан мурожаат қилади. Масалан: “Сен яхши дам олаяпсан-ми”?, “Сенинг энг яқин дўстинг ким?”, “Сен ўзингни яхши ҳис қилаяпсан-ми”?- кабишунга ўхшаш саволлар. Лекин бу саволга бошловчи мурожаат қилган иштирокчи эмас, балки унинг ўнг томонида турган кўшниси жавоб бериши лозим. Ўйин давомида хатога йўл қўйган иштирокчига жарима солинади. У ўз маҳоратини намойиш этади. (масалан кўшиқ куйлаш, шеър айтиш ёки рақсга тушиб бериш).

Ўйин якунида жарима очколари ҳисоблаб чиқилади. Агар қайси иштирокчида жарима очколари кўп бўлса, у ўйинда ютқазган ҳисобланади. Жарима очколари олмаган иштирокчилар эса ўйин ғолиблари ҳисобланадилар.

Қувноқ дақиқалар

Ўйин иштирокчилари бир қатор бўлиб тизилиб ўтирадилар. Бошловчи даврага чиқб болаларга савол беради, болалар эса ўз навбатда бармоқ ҳаракатлари орқали “Мана бундай” деб жавоб қайтарадилар.

- Кайфиятингиз қандай?

- Мана бундай (бош бармоқ ҳаракатида).
 - Қандай қадам ташлайсиз?
 - Мана бундай (ўнг қўл кафтида чап қўлининг икки бармоғи билан қадам ташлаётганини кўрсатиб беради)
 - Қандай югурасан?
 - Мана бундай (нафасни чиқариб, югуриш ҳолати кўрсатилади)
- Бошловчи худди мана шундай тартибда саволлар беради, болалар эса жавоб қайтаришади.

Айтишувлар.

Айтишувлар болаларнинг қувончлари, ички кечинмалари, шодликларини, шўх айтишувлар орқали ифодалайди.

Айтишувлар бирор бир оҳангда сўзларни, жумлаларни бақариш, кўйлаш, турли рақсли ҳаракатлар, жарангдор овоз билан ижро этишни талаб этади. Одатда айтишувлар бошловчи ва болалар ўртасида ижро этилади ва ҳар бир жумла 2 мартадан қайтарилади. Аввал бошловчи, кейин эса болалар қандай оҳангда сўзларни, жумлаларини ижро этса, болалар ҳам унга тақлид этиб худди шундай қайтаришлари шарт. Айтишувлар шеърӣ, қўшиқли, мусиқавӣ, рақсли шаклда ҳам бўлиши мумкин.

Болари қўшиғи

Бошловчи: Боларилар учишади ғиз – ғиз- ғиз.
 Болалар: Боларилар учишади ғиз –ғиз- ғиз.
 Бошловчи: Қанотида куй чалишар виз – виз – виз.
 Болалар: Қанотида куй чалишар виз- виз – виз.
 Бошловчи: Ёмонларни чақиб олар жиз –жиз – жиз.
 Болалар: Ёмонларни чақиб олар жиз – жиз – жиз.
 Бошловчи: Гулдан шира ялашади тез – тез – тез.
 Болалар: Гулдан шира ялашади тез – тез- тез.
 Бошловчи: Маза қилиб асал еймиз биз – биз- биз.
 Болалар: Маза қилиб асал еймиз биз –биз – биз.

Хўрозқанд

Бошловчи: Хўрозқандим, хўрозқандим.
 Болалар: Хўрозқандим, хўрозқандим (*қолган жумлалар ҳам шу тартибда давом этади*).
 Ширин, ширин, ширин, ширин.
 Мазасини дарров билар
 Тилим, тилим, тилим, тилим.
 Ялайвердим, ялайвердим
 Оҳ, оҳ, оҳ, оҳ, оҳ, оҳ

Бундоқ боқсам тугаб копти
Воҳ, воҳ, воҳ, воҳ, воҳ, воҳ (қарсак чалиб айтилади).

Калитжон

(Бошловчи ҳар бир мисрани тўлиқ айтади, болалар эса жумланинг охирги сўзининг охирги бўғинини 2 марта қайтарадилар)

Қулоғини бурасам сам, сам,
Айланади калитжон жон, жон,
Енг шимариб хизматга га, га,
Шайланади калитжон жон, жон,
То кечгача беркитиб тиб, тиб,
Қулфжонга дўқ урар ар, ар,
Қулоғини бурасам сам, сам,
Айланади калитжон жон жон.

Жўжача

(Бошловчи ҳар бир мисрани тўлиқ айтади, болалар эса жумланинг охирги сўзининг охирги бўғинини 2 марта қайтарадилар)

Чипор жўжача ча, ча, ча,
Чопар жўжача ча, ча, ча,
Дон дунни излаб лаб, лаб, лаб,
Топар жўжача ча, ча, ча
Тўплади ажраб раб, раб, раб,
Адашган замон мон, мон, мон,
Чив чивлаб елар лар, лар, лар,
Онаси томон мон, мон, мон.

Кенгуру

(Ҳар мисра 2 мартадан қайтарилади, аввал бошловчи кейин болалар).

Кенгуру гуру, гуру
Карам тикди халтасига
Кенгуру гуру, гуру
Шар ҳам тикди халтасига
Кенгуру гуру, гуру
Олма, ҳолва, мой қолмади
Кенгуру гуру, гуру
Боласига жой қолмади.

Кенгуру гуру, гуру

Кен гу ру, кен гу ру (охирги сўзлар қарсак чалиб айтилади).

Дурадгорлик тўгараги

“Дурадгорлик” тўгараги машғулоти орали ўқувчиларни изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини ошириш, уларни меҳнат қилишга ва ўз меҳнати самарасидан фахрланишга, завқланишга одатлантириш, бажарган ишларининг натижасини ҳолисона баҳолашга ўргатиш, дурадгорлик касбининг аҳамияти ва ҳаётимиздаги ўрни ҳақида, дурадгорликда ишлатиладиган хом-ашёлар, асбоб-ускуналар ва дастгоҳлардан фойдаланиш техникаси ҳақида батафсил маълумот бериш. Энг асосийси болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришга, меҳнат жараёнини мустақил ташкил эта олишларига кўмаклашиш.

№	Машғулотлар мавзулари	Назарий	Амалий	Жами
1	Техника хавфсизлиги қоидалари ва дурадгорлик ҳунари билан таниш-тириш.	1		1
2	Оддий фанер бўлакчаларидан илгич ясаш.	1	3	4
3	Тўғри тўртбурчакли қутича ясаш.		3	3
4	Қаламдон ясаш.		4	4
	Жами	2	10	12

Зарур хом-ашёлар.

Фанер бўлакчалари.

Турли хажмдаги рейкалар.

ПВА елими.

Майда 15-25 ммли миҳчалар.

Фойдаланиладиган асбоб-ускуналар.

1. Арра, лобзик, болға.

Машғулотлар мавзулари:

Тўғрак аъзолари техника хавфсизлиги қоидалари ва дурадгорликда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш тартиби билан таништирилади.

Оддий фанер бўлакчаларидан илгич ясаш. Илгич шаклини чизиш, ёғочга ишлов бериш, ундан илгичларни ясаш, уларни пардозлаш усуллари кўрсатиб берилади

Тўғри тўртбурчакли қутича ясаш. Ёғочдан ясаладиган қутичалар ва уларни пардозлаш усуллари ўргатилади.

Қаламдон ясаш. Машғулот жараёнида дастлаб тўғри шаклларни арралаш усули ва улардан шакллар яратиш бўйича кўрсатмалар берилади ва амалда кўрсатилади.

Фольклор тўғараги

Фольклор тўғарагининг мақсади тўғарак аъзоларининг – билимларини чуқурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, замонавий фольклор билан таништириш, ижро этилган амалий фольклор асарларини бошқаришга ўргатади. Болалар фольклори болаларда энг яхши инсоний фазилатларни ватанпарварлик, меҳнатга муҳаббат, кишиларга ишонч, дўстларга садоқат туйғуларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқ оғзаки қўшиқлари, лапарлари, мақол ва маталлари, олқиш ва айтишувлари, эртақдаги қаҳрамонлардан яхши хислатларни ўрганишни, улардаги халқнинг ақл-заковати, орзу-ҳаваси, руҳи, иродаси сингдирилганлигидан ибрат олиб, болаларнинг ақлий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлишига ва мурғак қалбларда меҳр уйғотиш кўзда тутилган.

Фольклор тўғараклари оромгоҳда ташкил этилса нур устига аъло нур бўлар эди. У ерда фольклор жамоалари ва яккахон хонандалар билан кечалар уюштириш анча қулайроқ. Бундай учрашувлар болаларда “Жонли ижро” ни кадрлаш ҳисларини уйғотишга ёрдам беради. Бундан ташқари шунга ўхшаш халқ асарларини яратишга имкониятлар туғилади. Тўғарак аъзолари фольклор асарларини куйлаш, ижро этиш усуллари билан яқиндан танишадилар. Шунинг учун ҳам тўғарак дастурларини тузишда халқ мусиқий ижросининг қирраларини очиш, ҳаракатли ижро, театрлаштирилган лавҳалар, мусиқий асбобларни ўйин тариқасида чалиш каби турли йўналишларини қамраб олишга эътибор қаратиш лозим.

Машғулотлар бошлангунга қадар тўғаракда сўровнома ўтказилади ва шу тариқа болаларнинг халқ ижоди бўйича билимлари тўғрисида маълумотга эга бўлиш мумкин. Бу эса ишни тўғри йўналтиради. Вактнинг чегараланганлигини, болаларнинг мусиқий тайёргарлигини инобатга олган ҳолда тўғарак машғулотларини қай тарзда олиб бориш зарур эканлиги мусиқа раҳбарига маълум бўлади.

Тадбирларга тайёргарликни илк машғулотлардан бошлаш зарур: магнитофон, овоз ёзиб олиш воситалари, доира, карнай, сурнай, рубоб, тор каби мусиқа асбоблари ва ҳоказолар.

№	Машғулотлар мавзулари	Соатлар миқдори		
		назарий	амалий	Жами
1	Болалар фольклори ҳақида суҳбат	1		1
2	Фольклорнинг асосий жанрлари	1		1
3	Ўзбек халқ мусиқий асбоблари		1	1
4	Миллий мусиқада фасллар		1	1
5	Миллий хореографиянинг элементлари билан танишиш		2	2

6	Фольклорда ватанпарварлик мавзулари		1	1
7	Миллий театрлаштирилган ҳаракатлар		2	2
8	Лапарлар		1	1
9	Ўзбек бастакорлари ижодидан намуналар	1	1	2
Жами		3	9	12

Машғулотлар мавзулари:

1. Болалар фольклори ҳақида суҳбат ўтказиш. Фольклор ҳақида тушунча. Халқ фольклорининг яратувчиси. Халқ ижоди жанрлари. Фольклорнинг Ўзбекистонда ўрганилиши. Таниқли фольклорчилар.

Асосий фольклор термалари.

Миллий мусиқий поэтик ижод бу – миллий маданиятимизнинг асосий бўлими ҳисобланади.

Болалар фольклори: алла, санамалар, айтишувлар.

Амалий машғулотлар. Болаларда миллий ижодий билимларини ривожлантириш, мусиқа тинглаш қобилиятини текшириш, болалар фольклорини ўрганиш, фольклор асарларининг қоидалари билан таништириш.

2. Фольклорнинг асосий жанрлари.

Мақоллар – тарихни ёритиб берувчи мақоллар.

Топишмоқлар – унинг келиб чиқиши, одамнинг кузатувчанлиги, замонавий топишмоқлар.

Эртақлар – унинг турлари, аниқлиги ва мазмунли эканлиги, эртақ йиғувчилар, эртақ термалари, мусиқий эртақлар.

Амалий машғулотлар – топишмоқ топиш, белгиланган мавзуга мақол ва нақл топиш, эртақ сюжетларини ижро этиш, мусиқий эртақларни ёд олиш.

3. Миллий чолғу асбоблари най, доира, сурнай, карнай ва ҳоказолар.

Амалий машғулотлар – мусиқий асбобларини чалиш усуллари билан таништириш.

4. Миллий мусиқада фасллар – фаслларга оид қўшиқлар ижро этиш, қишлоқ хўжалик ишлари даврида. Фаслий қўшиқларнинг хилма-хиллиги (суст хотин, майда-майда ва ҳоказолар)

Фольклорнинг меҳнат билан ҳамкорлиги.

5. Миллий хореографиянинг ҳаракатлари билан таништириш.

Қўшиқнинг ҳаракати- оммавий рақслар.

Амалий машғулотлар – оддий рақс ҳаракатларини ўрганиш, мусиқага мос ҳаракат қилиш.

6. Фольклордаги ватанпарварлик мавзуси – тарихий кўшиқлар. Ватанимиз мустақиллиги учун ўзининг ҳиссасини кўшган буюк ўзбек қаҳрамонлари ҳақида кўшиқлар ижро этиш.

Амалий машғулотлар – ватанпарварлик руҳидаги кўшиқларни ўрганиш, ўтилганларни такрорлаш, концерт учун тайёргарлик кўриш.

7. Миллий театрлаштирилган байрам. Мучал тўйи, бойчечак байрами

8. Лапарлар – келиб чиқиши. Маҳаллий номланиши. Кўшиқнинг қисқа, аниқ, чуқур мазмунга эга эканлиги.

Амалий машғулотлар. Лапарларнинг сўзлари мазмуни билан танишиб чиқиш, мусиқий асбоблар куйи остида ижро этиш.

9. Миллий мусиқа ўзбек бастакорлари ижодида. Бастакорлар ижоди ҳақида тасаввурга эга бўлиш .

Тўғарак аъзолари бу ишга бошқа болаларни жалб қилишлари лозим. Бу ишларни турли усуллар билан бажариш мумкин: оромгоҳдагилар билан суҳбатлар уюштириш, фольклор ўйинлар, викториналар, миллий байрамлар, эртак кечалари, расмлар кўргазмаларини ташкил қилиш лозим. Конкурс орқали болаларда лапар тўқишга қизиқишларини уйғотиш лозим.

Драма тўғараги

Драма тўғарагининг асосий мақсади болаларни ижодга қизиқтириш, уларни тўғаракка жалб этиш орқали бадиий савиясини ошириш. Оромгоҳларда оромгоҳ мавсумининг қисқалиги тўғаракнинг асосий йўналишини тўла очиб бериш имкониятини чеклайди. Драма тўғарагидаги машғулотлар болалар дунёқарашини кенгайтириши, маданий савиясини оширишда катта аҳамиятга эга. Драма тўғаракларига биринчи навбатда ўқувчилар саройида, ижодиёт марказларида таҳсил олган болалар жалб этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, улар асосий ишларни олиб боришда ва ташкил этишда тўғарак раҳбарининг энг яқин кўмакдошлари бўлади, аммо уларни фақат ташкилий ишлар билан чегаралаб қўйиш ҳам ноўрин, ўз ўрнида уларнинг қизиқишлари бўйича ҳам вазифалар юклатилиши лозим.

Тўғаракда болаларнинг қизиқишлари, истаги ва қобилиятларига қараб вазифалар тақсимланиши, тўғарак фаолиятининг қизиқарли ва мазмунли ташкил этилишда муҳим ўрин тутди. Болаларнинг бири рассом, бири жиҳоз устаси, бири суҳандон, бири либослар танлаш бўйича моҳир ижодкор. Шуниси муҳимки, оромгоҳларда қисқа муддатга мўлжалланган спектаклларни ташкиллаштириш жуда мураккаб, шу сабабли ҳам кичик сахна кўринишлари ёки сахналаштирилган эртаклар асосида дастур тайёрланса айтиш мумкин. Энг асосийси, болалардаги эстетик дидни уйғотишда спектаклнинг яратилиш жараёнидаги муҳим тарбиявий йўналишларга қаратилмоғи лозим. Масалан, эртак

кахрамонларининг ижобий ҳислатлари, уларга тайёрланадиган либосларнинг миллий қирралари, томошанинг қаерда ўтказилиши, унинг жиҳозланиши, реквизитларнинг танланиши, бошловчиларнинг сахнадаги маҳорати, нутқи, залдаги болаларнинг ўзаро мулоқоти буларнинг барчаси томошабинларни ўзига жалб этиб, уни тўғри қабул қилиши ва ҳоказолар.

Болаларни фантазия, дидини уйғотиш, спектакл яратилишига йўналтириш лозим. Масалан: бирон-бир эртакнинг бошланиши табиатда (далада, дарахтлар, гуллар орасида) сўнгра барча қахрамонлар билан томоша залига ўтиб, зинапоялар, очик майдонларда бўлиши мумкин.

Репертуар талаблари

Драма тўғаракларида ишнинг асосини адабий асар ташкил этади. Айнан адабий асарнинг мазмуни машғулот ва машқлар жараёнида оромгоҳлар шароити талабларини ташкил эта олиши зарур. Унча катта бўлмаган 10-15 минутлик жараён болаларни тарбиялашда муҳим ўрин тутсин. Мана шундай талаблардан келиб чиққан ҳолда машғулотлар дастури ишлаб чиқилиши зарур.

№	Машғулотлар мавзулари	Жами соатлар		
		назарий	амалий	Жами
1	Тўғаракнинг асосий мақсади, театр санъати ҳақида	1		1
2	Асарни ўқиш, мазмунини таҳлил қилиш		2	2
3	Асар бўйича иш олиб бориш, ролларга бўлиниб матнни ёд олиш		3	3
4	Асар устида иш олиб бориш, сахна нутқи ва ҳаракатлар устида ишлаш		2	2
5	Сахна маҳорати, образ устида ишлаш	1	3	4
Жами		2	10	12

Машғулотлар мавзулари:

1. Кириш машғулотлари. Тўғарак аъзолари билан танишув. Театр ҳақида суҳбат. Театр санъатининг бошқа санъат турларидан фарқи. Актёр ролининг биринчи босқичи, мураккаб бўлмаган оддий ўйинлар, ҳаракатлар, овоз, ташқи кўринишларига қараб роллар бўлиб бериш.

2. Асарни ўқиш, мазмунини таҳлил қилиш. Асарни чуқур ўрганиб чиқиб, қайси давр, муҳитга муносиб эканлигини аниқлаш. Либослар ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

3. Асар бўйича иш олиб бориш, ролларга бўлиниб матнни ёд олиш. ижрочининг асарга бўлган муносабатини кучайтириш, уни ўзлаштириб

олиш. Матнда персонажлар ҳаракатини ажратиб олиш. Шахсларнинг бир-бирига бўлган муносабатини таҳлил қилиш, бир-бирига баҳо бериш.

4. Асар устида иш олиб бориш, сахна нутқи ва ҳаракатлар устида ишлаш. Асар орқали бола дунёқарашини шакллантириш. Фаол жараёнлар (айбламоқ, оқламоқ, ҳимояланмоқ).

Ҳайкалтарошлик тўғараги

Ҳайкалтарошлик тўғарагида ташкил этиладиган назарий ва амалий машғулотлар болаларни санъатга бўлган меҳр-муҳаббатларини ошириб, дунёқарашини бойитади.

Оромгоҳда деярли кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари дам оладилар. Агар сиз шу ёшдаги болаларни зимдан кузатсангиз, уларни лой, пластилин, қоғоз, ёғоч ёки ташланадиган материаллардан (ип ғалтаклари, гугурт қутиси, тухум пўчоғи, ҳар-хил мева уруғлари) нималарнидир ясаб, ижод қилаётганларининг гувоҳи бўласиз. Мана шундай ижодкор болаларнинг қизиқишларини сўндирмаслик, аксинча ривожлантириш мақсадида ҳайкалтарошлик тўғарагини ташкил этиш лозим.

Шунингдек, ижодий фикрлашга, буюмлар, воқеалар ва одамларнинг яшаш шароитини кузатишга, кузатиш давомидаги тасаввурларини ижодий ишларида акс эттиришга ўргатади, уларни санъатнинг кўп қиррали турлари ва жанрлари билан таништиради, гўзалликни сезиш, буюмлар ҳажмини бир-биридан фарқлай билишга ўргатиб борилади.

Оромгоҳ шароитида болалар билан ишлашда имкон берувчи турли хом –ашёлардан фойдаланиш мумкин. масалан, дарахт унинг илдизи, шохи ва япроқларидан комбинациялар тайёрлаш, турли бўёқлардан (гуаш, акварель бўёқлари) фойдаланиш, уларга ранглар орқали жиҳоз бериш;

оқ ва рангли қоғоз кенг имкониятларга эга бўлган ашёдир. Қоғозлардан букилувчан шаклларни ясаш мумкин;

папье-маше – техникасида ҳам қоғоздан фойдаланилади. Папье-маше техникасида шакл ва релефларга пластик ёки лойдан андоза олиниб, сўнгра гуаш билан бўялади ва рангсиз лак билан ишлов берилади.

пластилин ҳам энг қулай хом-ашёлар сарасига киради. Агар унга озгина ишлов берилса, ундан турли хил кўринишдаги шаклларни ясаш мумкин;

лой-бу ҳайкалтарошлик тўғараги учун энг қулай хом-ашёдир. Лойнинг ранги турлича бўлсада, у чўзилувчан, юмшоқ бўлади. Лойни оромгоҳ атрожддан ковлаб олиб, машғулотлар ўтказишдан олдин тайёрлаб кўйиш зарур. Лойни тозалаб, челака солинади ва у қуриб қолмаслиги учун сув қуйилиб, 24 соат давомида тиндирилади;

тош – ҳайкалтарошликнинг энг қадимий ашёси ҳисобланади. Масалан, турли тошчалардан расмлар композициясини тузиш мумкин. Тошларнинг

ранглари, тузилишларига қараб хайвонлар, балиқлар, кема, ва айикча каби шаклларни тузиш мумкин. Яратилган шаклларни лак билан қоплаш мумкин.

Юқорида қайд этиб ўтилган барча хом-ашёлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, машғулотларни ўтиш учун қулай хом-ашёдир. Машғулотлар давомида шаклларни расмда ифодалаш учун альбом ва юмшоқ қаламлар керак

№	Машғулотлар мавзулари	Амалий	Назарий	Жами
1	Тўғарак аъзоларини техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш		1	1
2	Ҳайкалтарошлик турлари ва ҳайкалтарошликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар		1	1
3	Натурадан кўчириб ишлаш. Сабзавот ва меваларнинг хомаки расми ва уларни яшаш	3		3
4	Хотира ва тасаввур бўйича парранда ва хайвонлар айқалчаларини яшаш	2		2
5	Мавзули композиция: севимли эртак қаҳрамонлари асосида композиция яратиш	3		3
6	Безакли лепка. Дока, бўздан ўйинчоқлар яшаш ва уларни безаш	2		2
	Жами	10	2	12

Машғулотлар мавзулари:

Тўғарак аъзоларини техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш, уларни хонадаги жиҳозлар билан ишлаш тартиби бўйича кўрсатмалар бериш

Ҳайкалтарошлик турлари, монументал, дастгоҳ ёрдамида ишланган, нақшли, кичик ҳажмли, рельефли турлари билан таништириш ва ҳайкалтарошликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, ўйиш воситалари, қайчи ва шу каби асбоблар билан ишлашни ўргатиш

Натурадан кўчириб ишлаш. Сабзавот ва меваларнинг хомаки расмини чизиш ва уларни яшаш, оддий натюрморт яшаш, композиция ҳақида

тушунча бериш. ХХI-аср рассомларининг натюрмортлари мавзуида суҳбат ўтказиш.

Тўғарак аъзоларининг хотира ва кузатувчанлигини ривожлантириш, композиция қонуниятлари билан таништириш ҳамда ҳайвонлар ҳаракатларини ифодаловчи ҳайкалчаларни ясаш

Мавзули композиция: севимли эртак қаҳрамонлари асосида композиция яратиш. Фантазия ва борлиқни тасаввур қилишни ривожлантириш, образлар устида ишлаш ҳамда қоғозга чизиб, керакли ҳолатларни ясаш

Безакли лепка. Дока, бўздан ўйинчоқлар ясаш ва уларни безаш. Тўғарак аъзоларини халқ ҳунармандчилиги, ўйинчоқлар ясаш усуллари билан таништириш ҳамда материаллардан ўйинчоқлар ясаш, уларни безаш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш.

Юмшоқ ўйинчоқлар тўғараги

Юмшоқ ўйинчоқлар тўғараги болаларни ўйинчоқлар дунёси билан таништириш, уларни ўйинчоқлар намуналарини яратишга одатлантириш, меҳнат кўникмаларини бериш, мустиқил меҳнат қилишга ўргатиш, ижодий дунё қарашини бойитиш, ўйинчоқларни тўғри ясаш, хом ашёлар, ранглари тўғри танлай олишга ўргатиш, болаларни ижодкорлигини оширишдан иборат.

Тўғарак машғулотлари жараёнида болаларнинг билимини ошириш, тасаввурини оширишга эътибор бериш зарур.

Юмшоқ ўйинчоқлар тўғарагини оромгоҳларда ташкил этиш учун алоҳида хона ёки салқин жой танлаб олинади. Тўғарак машғулотларини ўтказиш учун эса эски матолар, қийқимлар, турли рангдаги ленталар, иплар, игналар, қайчи, қоғоз, қалам, елим, рангли қоғозлар керак бўлади. Оромгоҳлардаги Юмшоқ ўйинчоқлар тўғарагида оддий, бола мустиқил тайёрлай оладиган ўйинчоқларни ясаш ёки эскиларини таъмирлаш ишларини йўлга қўйиш мумкин.

Ёзги оромгоҳларда юмшоқ ўйинчоқлар тўғарагининг машғулотлар дастурини тавсия қиламиз.

№	Машғулотлар мавзулари	Амалий	Назарий	Жами
1.	Техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумот	1	1	2
2	Иш қуроллари билан таништириш	2	2	4
а)	игна билан ишлаш	1	1	2
б)	тўғри чок тикишни ўргатиш	1	1	2
3.	Андоза ёрдамида чизиб, тикиш	1		1
4.	Ўйинчоқларни пардозлаш ва безаклаш.	1		1

5	Ўрдакча тикишни ўргатиш			
а	Ўрдакча тана ва бош қисмини тикиш.	1		1
б	Ўрдакка оёқ ва қанотларни тикиш.	1		1
в	Ўрдакча тана қисмига бош, оёқ, қанотларни ўрнатиш.	2		2
Жами		9	3	12

Машғулотлар мавзулари:

Тўғарак аъзоларига техника хавфсизлиги қоидалари ҳақида маълумот берилади.

Иш қуроллари билан таништириш, игна ва матолар билан ишлаш, қийқимлардан фойдаланиш, тўғри чок тикишни ўргатиш.

Андоза ёрдамида тикиладиган ўйинчоқларни чизиш ва уларни бирлаштириб тикиш усуллари ўргатилади.

Тайёр бўлган ўйинчоқларни пардозлаш ва безаклаш услуби ҳақида маълумот берилади.

Ўрдакча тикишни ўргатиш. Унинг тана ва бош қисмини, оёқ ва қанотларини тикиш ва ўрдакча тана қисмига бош, оёқ, қанотларини ўрнатиш ҳақида кўрсатмалар берилади.

Оромгоҳда экологик ишларни ташкил этиш.

Экологик ва атроф-му-хитни муҳофаза қилиш муам-молари жаҳонда, қолаверса мамлакатимизда ҳозирги кун-нинг энг долзарб масалала-ридан бири бўлиб турибди.

Болаларга экологик таълими ва тарбия бериш шу куннинг энг долзарб муам-моларидан биридир. Болалар-ни ёшликдан она юртни севишга, ҳар бир дарахт ва жонзотни кўз қора-чиғидек асрашга ўргатиш лозим. Уларга табиат билан инсониятнинг чамбарчас боғлиқлигини тушунтириш барча тарбиячи, етакчи ва мураббийларнинг бурчидир.

Оромгоҳда болалар билан ўтказиладиган тадбирларда табиат-нинг инсонлар учун хизмат қилишини ва унинг муҳим аҳамияти ҳақида оддий мисоллар тариқасида тушунтириб, бериш зарурдир.

Болаларни экологияга оид маълумотлар билан таништи-риш мақсадида оромгоҳда «Савол-жавоблар» кечаси, «Табиа-тим-бойлигим» мавзуида давра суҳбатлари, «Она заминни асранг» мавзусида кичик ёшдаги гуруҳларда эрталик, «Ажойиб табиат» мавзусида ўйин-саёҳат, «Йилнинг тўрт фасли» театр-лаштирилган байрам, «Табиат кунларини» ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Саволлар айнан ўлкамиз табиати. Ер захиралари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси билан боғлиқ бўлиши лозим.

Биз саволларга қуйидаги экологик тарбияга оид тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ тавсияларимизни тавсия этамиз.

Экологик вазифаларини ҳал этишда оромгоҳда «Табиат кун» ларини ўтказиш айти муддаодир. «Табиат куни»ни ўтказишга тайёргарлик кўриш жараёнида, авваломбор, болаларни атроф-муҳит билан яқиндан таништириб чиқиш лозим. Оромгоҳ худуди ва атрофдаги сув хавзалари, яшил ўтлоқлар, хашаротлар уялари билан танишиш жараёнида табиат қўйнига мавзули саёҳатлар уюштирилади.

«Табиат куни»ни ўтказиш режасидан табиат манзаралари тасвирланган расмлар танлови, савол-жавоб кечалари, «Ўзинг яшаб турган заминни ўзинг асра» мавзусида эрталиқ, «Ўзбекистоннинг бой табиати» мавзусида суҳбатлар, табиат қўйнига саёҳатлар, кўргазмалар ўрин олади.

Шунингдек, «**Ғаройиб табиат**» ўйин саёҳати, «**Тоғ сўқмоқлари бўйлаб**», «**Табиат дорихонаси**» мавзуларида саёҳатлар, «**Инсон ва табиат**» мавзусида деворий ва радио рўзномалар махсус сонларини тайёрлаш ишларини ҳам режалаштириш мумкин.

Оромгоҳларда жонли бурчакларни ташкил этиш.

Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири - бу ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий жи-хатдан тарбиялаш ва уларга билим беришга қаратилгандир. Шундай экан, инсонлардаги атроф-муҳитга ва жониворларга бўлган муҳаббат, уларни авайлаб асрашни болалиқ-дан ўргатиш керак.

Болалиқда сингдирилган кўникмалар улар ҳаётдаги кечинма-ларни, дунёда яхшилик ва ёмонликни англашга тез ёрдам беради. Шунинг учун энг кичик ёшдан болани яхшиликка. Маънавий етукликка йўналтириб тарбиялаб бориш, педагог тарбиячиларнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Жониворларга қараб муҳаббат – болани қалбини юмшатади ва уларни асраб авайлашга ўргатади, ўзидан кичикларга, кучсизларга, ночорларга меҳр бериш кераклигини англаб этишда ёрдам беради.

Ёзги оромгоҳларнинг табиатни хилма-хил, кўпчилик қисми республикамизнинг гўзал ва сўлим жойларида жойлашган. Бундай жойларда болалар табиатга яқин, уни ўрганишига ҳам шароитлар мавжуд бўлади. Табиатни ўрганишда асосан ҳайвонот дунёсидан бошлаб ўрганиш мумкин.

Оромгоҳда ҳайвонот дунёсини ўрганишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир.

1. Табиатни тушуна олиш, тирик жон ва ташқи оламнинг бир-бирига боғлиқлигини қийин ва қизиқарли томонлари билан таништириш.

2. Болаларнинг тирик мавжудодлар ҳақидаги фанларга бўлган қизиқишларини ўстириш.

3. Ҳайвонот дунёси ҳақидаги билимларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш.

4. Ватанимизнинг табиий бойликлари билан болаларни таништириш, табиатга муҳаббат билан қарашини тарбиялаш.

Жонли бурчакларини ҳар бир оромгоҳда ташкил этиш мумкин ва болалардаги табиатни севиш туйғусини ривожлантиришда бундай бурчаклар фаолиятдан кенг фойдаланса бўлади.

Оромгоҳлардаги жонли бурчакка бирор-бир тарбиячи раҳбар-лик қилади, бу ишга керакли билимга эга бўлган етакчилар, ёш табиатшунослар тўғараги аъзолари ҳам ёрдам беришлари мумкин. “Ёш табиатсеварлар” тўғарагига битта етакчи ва 2-3 болалардан иборат кенгаш аъзоларини сайлаш мумкин. Улар қизиқишларига қараб, ўзларига топширилган гуруҳларга бошчилик қиладилар. (балиқлар, қушлар асраш).

Жонли бурчакни тартибли, озода сақлаш, бу ердаги ҳайвон-ларнинг аҳволи, озиқ-овқатидан хабардор бўлиш ишлари, болаларга топширилса, у ҳолда болаларнинг масъулияти янада ошади.

Бундай масъулият болаларга завқ бағишлайди, ҳайвонлар ҳақидаги билимларини янада бойитади, уларга бўлган муҳаббатини, атроф-муҳитга бўлган эътиборини оширади.

Меҳр-оқибат ҳис туйғуси табиатга, табиатда яшайдиган барча жонзотларга бўлган муҳаббатдан бошланиши керак.

Оромгоҳдаги жонли бурчакни 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Табиатда яшайдиган жонзотлар (уларни болалар саёҳатга чиққанларида ушлаб оладилар).

2. Қишлоқ хўжалигидаги ҳайвонлар, уларни оромгоҳ яқинидаги фермерлардан олиш мумкин (булар: жўжалар, қуёнчалар, ўрдакча-лар).

3. Экзотик ҳайвонлар: (тўтилар, тошбақалар, аквариум балиқла-ри ва бошқалар). Уларни болалар уйларида, мактабларида, табиатсеварлар марказларидан олиб келишлари мумкин.

Жонли бурчакда яшовчи ҳайвон ва жонзотларни болалар саёҳатлар пайтида тутиб келишлари ҳам мумкин. Бу жараён болалар-нинг биргалашиб ҳаракат қилишлари, ҳайвонларни, қушларни ас-раб-авайлашга одатлантиради. Сув ҳавзаларидан турли балиқларни, қурбақаларни қийинчиликсиз тутиш мумкин. Бедазорлар ва адир-лардан эса қушлар, типратикан, хавфсиз илонларни тутиш мумкин.

Жонли бурчакни алоҳида жойда, ёруғ ва кенг жойда жойлаштириш лозим. Агар жонли бурчак бино ичида жойлашган бўлса, бу жой ёруғ, бебаҳо бўлиши керак.

Ҳар бир жонзотга алоҳида жой ажратилиб, унга 2-3 ўқувчидан иборат

гурух бириктириб қўйилади. Улар ҳайвонларни парвариш-лаб биологик назорат ўрнатадилар ва натижаларни қайд қилиб борадилар.

Хар бир жонзот боқилаётган қафас ёки уйчага ҳайвон ҳақида кичик маълумотлар олиб қўйилади. Бу маълумотларда ҳайвон-ларнинг қаердан келтирилганлиги, уларни парваришлаш ҳақида, унга маъсул болаларнинг исми ва фамилияси ёзиб қўйилади.

Калтакесакларни ҳар хил майда ҳашаротлар билан озиқлантирилади. Хавфсиз илонларни каттароқ террариумда сақлаш мумкин. Улар судралиб юришлари учун қумли жой бўлиши керак.

Кичикроқ сув хавзасини ҳам ташкил қилиши мумкин. Уларни озиқлантириш учун қурбақалар. Кичик балиқлар керак бўлади. Типратиканни ёпиқ жойда ёки қафасда сақлаш мумкин. Озиқлантириш учун ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари, сут, гўшт бўлакчалари ва суюқ овқатлар бўлиши керак.

Қуёнларни қафасда сақлаш мумкин. Уларни озиқлантириш учун: янги ўтлар, янги сабзавотлар: қарам ва сабзи, тошбақани кенгроқ жойда сақлаш мумкин. Уларни озиқлантириш учун сабзавотлар, сабзи, қарам, майса, гўшт бўлаклари зарурдир.

Жўжалар ва ўрдакчаларни майдаланган тухум, бутқалар, ҳар хил майсалар. Кейинроқ ҳар хил ҳашаротлар билан озиқлантириш мумкин. Жонли бурчакда кун тартиби бўлиши керак: ҳайвонларни овқат-лантириш, қафасларни тозалаш, кузатиш, болаларнинг жонли бурчак-да ҳайвонларни келиб кўриш вақти аниқ белгиланган бўлиши керак.

Навбатчи болалар уларни озиқлантириб, жойларини тозалаш-дан ташқари, ҳайвонларнинг соғлиғини назорат қилиб туришлари шарт: носоғлом ҳайвонларни соғломларидан ажратиб, нобуд бўлганларини шифокор рухсати билан чуқур ерга қўмиб қўйишлари мақсадга мувофиқ бўлади. Қафасларини кунига 1-2 марта тозалаб, чиқиндиларни олиб ташлаб қумларини ўзгартириб туриш керак.

Ҳайвонларни яхшиси эрталаб озиқлантириш ва бир кунлик овқатини олдиндан қафасларига солиб қўйиш керак ва бир кунлик овқатини олдиндан қафасларига солиб қўйиш керак. Кичик қушчаларни ҳар 15-20 дақиқада озиқлантириб туриш керак.

Навбатчилар кузатиш кундалигини тўлдириб борадилар, бу кундаликда ҳайвонларнинг соғлиғи, кузатиш даврида содир бўлган қизиқ ҳолатларини ёзиб борадилар.

Табиатда бўлаётган ўзгаришларни кузатиш ҳам жуда қизиқар-ли. Чумоли уясини кузатиш ҳам жуда завқли. Бу кузатувларни 3-5 боладан иборат гуруҳлар амалга ошириш мумкин. Каттароқ гуруҳга турли қушларнинг учларини кузатишни ҳам топшириш мумкин. Улар ола қушлар болаларини озиқлантириш ҳақида маълумот тўплашлари мумкин:

Масалан: ола қушлар неча марта озиқланадилар, нималар еядилар ва

хоказо. Куш уяларини эрталабдан кеч соат 7-8 ларгача кузатиш мумкин. Кузатувчи болаларни ҳар ярим соатда ўзгартириб туриш керак. Кузатиш учун бинокл бўлиши керак.

Кузатув натижаларини ҳар бир кузатувчи кундаликка ёзиб бориши керак: Кундаликка, кузатув куни, вақти, об-ҳаво, ҳайвонларнинг ҳолати, уларнинг фаоллиги, уларга куннинг иссиқ ёки совуқлиги, ҳавонинг намлиги қандай аҳамияти борлиги ҳақида ёзиб борадилар.

Эклогик тадбирлар мавзуларини танлаш

Қуйида Сизга ҳавола этилаётган тадбирларимиз асосан ўйин тарзида ўтказилиб, болаларга маъқул тушади деган умиддамиз.

1. “Гулла, яшна жон Ўзбекистон” Республика мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган байрам.
2. “Бепоен кенг диёрим, сон-саноксиз дўст ёрим” мавзуида дўстлик фестивали.
3. “Эртақлар оиласига саёҳат”.
4. “Нон-ризқ-рўзимиз” сахналаштирилган байрам дастури.
5. “Ватанимни куйлайман” ёш ижодкорлар кўрик-танлови.
6. “Ўзбекистон – биз сенинг содиқ фарзандларингмиз?” театрлаштирилган байрам.
7. “Табиат ва биз” мавзусида тадбир.
8. «Сув шоҳи» байрами.
9. “Қувноқ эстафета” ўйини.
10. “Оламни асранг дўстлар!” театрлаштирилган байрам дастури.
11. “Ўз ватанингни тарихини биласанми” ўйин саёҳат.
12. “Аския кечаси” тадбири.
13. “Табиат куни” тадбири.
14. “Ижодий кунлар” тадбири.
15. “Мафтункор ранглар дунёси” мавзусида расмлар танлови.
16. “Шунқорлар” ўйини.

Биз сизларга табиат билан боғлиқ, тадбирлар кўламини кенгайтиришни маслаҳат берамиз. Ушбу тадбирлар болаларни табиатни эъзозлаш, муҳофаза қилиш, севиш, дўст бўлишга ундайди.

Тадбирлар мазмунини, мавзуларини бойитиш, уларни ранг-баранг услубда ўтказиш Сизнинг ижодингиз, маҳоратингиз, топқирлигингизга боғлиқдир. Оммавий тадбирларни қандай услуб ва шаклда ўтказманг, у болаларни тарбиялашда катта тарбия мактабини ўтасин.

ОРОМГОҲЛАРДА БОЛАЛАРНИНГ ҚИЗИҚИШЛАРИ АСОСИДА ЭКОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИДАГИ ТЎГАРАКЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР

Табиатшунослик” тўгараги дастури

«Табиатшунослик», тўгарак машғулоти дастури мактабдан ташқари муассаса-ларда бошланғич синф ўқув-чилари билан ташкил қилин-ган тўгарак машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларни она табиатни севишни, уни муҳофоза қи-лишни ўрганиш, атрофимиз-ни, мактаб ҳовлисидаги гулларни, оқаётган сувларни, сайраётган қушларни ҳаёти ҳақида билимлари шаклланиб борилади.

Табиатимизни ўраб турган жисмлар сув, ҳаво, ер, тупроқ ҳақида ва уларни қанчалик ифлосланганлиги ва уларни муҳофоза қилиш тўғрисида ҳам, уларни асраш, севиш ҳақида маълумотлар ҳам ўқувчилар онгида шаклланади.

Дастурда Ўзбекистон «Қизил китоби» ва унга киритилган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар ҳақида ҳам маълумотлар, тирик табиат бурчагида, ўқув-тажриба майдончаларида амалий ишлар фойдали қазилмалар ҳақида ҳам маълумотларга эга бўладилар.

№	Мавзулар	Назарий	Амалий	Жами
1	Табиат нима? Жонли ва жонсиз табиатнинг ўзаро боғлиқлиги	2	1	3
2	Табиат ва болалар	1	1	2
3	Боболаримизнинг табиат ҳақидаги ўғитлари	2		2
4	Оромгоҳимиз ўсимликлари ва уларни муҳофаза қилиш	2	1	3
5	Экологик майдонча ва уни ташкил этиш	1	1	2
6	Табиат календари дафтариini тузиш		2	2
7	Гулзордаги гулларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш		2	2
8	Жонли бурчак хоналарини ташкил этиш		2	2
	Жами	8	10	18

Машғулотларни олиб бориш учун услубий тавсиялар

Табиатда қушларни кузатиш, устки тузилиши, уларни ўзларини тутишлари, хатти-ҳаракатлари. Қушларнинг овози, донхўракдаги донларнинг ёйишлари, озикланиши вақтлари, қайси озуканинг қушлар севиб ёйишлари. Донхўракда бошқа қушларнинг пайдо бўлиши, қушларнинг номланиши, устки тузилишига қараб аниқлаш.

Ўзбекистон «Қизил китоби» ва унга киритилган ноёб ҳайвон ва ўсимликлар.

«Қизил китоб» нима? Нима учун «Қизил китоб» га ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар номи киритилган. Ўсимликлардан, «Грейг лоласи», «Лола», «Тоғ лоласи», «Анзур пиёзи», «Зира», «Шафран» ҳақида маълумотлар бериш.

«Қизил китоб» га киритилган ноёб ўсимлик ва ҳайвонлардан «тоғ эчкиси», «бургут», «илғвире», «айиқ», «каклик», «кобра илон» ва бошқалар билан танишиш, бунинг учун «ҳайвонот боғига», «Ботаника боғига» ва табиатга саёхат уюштириш.

Табиатда ҳамма нарса ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги. Ҳар қандай организм табиатнинг бир бўлаги.

Кўзга кўринмас занжир, экологик занжирлар, экологик ҳалокат. Табиатда экологик занжир қандай роль ўйнайди. Экологик занжирлар хусусияти нимадан иборат. Табиатда нима учун мутлоқ фойда-ли ва зарарли ҳайвонлар йўқ. Шулар ҳақида маълумотлар бериш.

Тажриба ва контрол (майдончаларга) экилган ўсимликларини ўсиш, ривожланиши, ҳосилини етилишини кузатиб бориш ва «табиат календари» дафтарига ёзиб бориш.

Экилган майдончалардаги ғўза, қарам, қовоқ, помидор ва бошқа ўсимликларни тагини юмшатиш, сув қуйиш, ўғит бериш, ёввойи ўтлардан тозалаш, ўсимлик яхши ўсиши ва мўл ҳосил бериши учун ўсимлик ўсиш нуқтасини «чеканка» олиб ташлаш ва ўсимлик зараркунандалари билан курашиш, йиғилган ҳосилни ҳисоб қилиб ёзиб бориш меваларидан, ўтлардан ўсимликлардан гербарий тайёрлаш.

Шу ишларни ҳаммасини «табиат календари» дафтарига ёзиб бориш. Ўсимлик қисмлари (органлари) дан (илдиз, тана, шох, барг, гул) гербарий кўргазмали қуроллар тайёрлаш. Ўсимлик зараркунандаларидан коллекциялар тайёрлаш.

«Табиат календари» дафтарини тартибга солиш, кўргазмали қуроллардан кўргазма ташкил этиш ҳосил «Меҳржон» байрамини ўтқазиш. Фойдали меҳнат уюштириш учун боғ ва сабзаёт хўжаликларига ёрдам бериш. Боғ ва сабзаёт зараркунандаларига қарши курашишда, ҳосил йиғишда, ёрдам бериш, доривор ўсимликлар йиғиш, яшил патруллар ишларида иштирок этиш. Табиатга саёхат.

“Ўзбекистон флораси (Доривор ўсимликлар)” тўғарак дастури

“Ўзбекистон флораси” туркумига кирувчи “Доривор ўсимликлар” тўғарак машғулоти дастури мактабдан ташқари таълим муассасалари ўқувчилари билан ташкил қилинадиган тўғарак машғулотлари учун мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларни она табиатни севишни, уни муҳофиза қилишни ўрганиш, табиатда кенг тарқалган ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларини ўргатишга мўлжаллангандир. Дастур асосида тўғарак машғулотлари олиб боришда ўқувчилар кенг тарқалган доривор ўсимликларнинг қайси органлари (барги, илдизи, меваси, пояси ва ҳоказо) дориворлик хусусияти намоён қилишини ўрганишади. Бундан ташқари машғулотларда ўқувчилар ўсимликларнинг мазкур қисмларини қай тартибда ва қайси муддатда йиғиб олиш билан ҳам танишадилар.

№	Мавзу	Назарий	Амалий	Жами
1.	Кириш. Ўсимликлар дунёси ҳақида маълумот.	1	1	2
2.	Доривор ўсимликлар ҳақида маълумот	1	1	2
3.	Абу Али Ибн Сино ва бошқа олимларнинг доривор ўсимликлар ҳақида олиб борган ишлари	2	2	4
4.	Доривор ўсимликларнинг илдиз тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш.	-	2	2
5.	Доривор ўсимликларнинг барг тузилиши, турлари ва ташқи кўриниши.	-	2	2
6.	Доривор ўсимликларнинг поясининг тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш.	-	2	2
7.	Доривор ўсимликлар гулининг тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш.	-	2	2
8.	Доривор ўсимликларнинг уруғ ва мевала-рини тузилиши, улардан фойдаланиш.	-	2	2
Жами:		4	14	18

Машғулотларда мамлакатимиз ва дунёнинг таниқли мутафаккир тиб олимларининг доривор гиёҳлар устида олиб борган ишлари билан танишиш ҳам кўзда тутилган. Хусусан улуғ мутафаккир бобомиз Абу Али ибн Синонинг доривор гиёҳлар ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги

кўпгина ўғитлари билан танишилади.

Машғулоти олиб бориш учун услубий тавсиялар.

Ўсимликлар дунёси ҳақида маълумот. Доривор ўсимликлар ҳақида маълумот.

Доривор ўсимликларнинг умумий рўйхати тузилади. Мах-сус аниқлагичлар ёрдамида доривор ўсимликлар аниқланади. Топографик харитаси тузилади. Бизга маълум бўлган доривор ўсимликлар ҳақида маълумот тўпланади.

Доривор ўсимликларнинг расмлари, морфологик тавсифи махсус иш дафтарига ёзиб борилади. Ўрганилиб таҳлил этилади, амалиётга қўлланилади.

Абу Али Ибн Сино ва бошқа олимларнинг доривор ўсимликлар ҳақида олиб борган тадқиқот ишлари. Олимларнинг таржимаи холи, яратган китоблари, тавсиялари шунингдек, ҳадисларда қайд қилинган доривор ўсимликлар ҳақидаги тушунчалар.

Ўзбекистонда шунингдек, вилоятингизда, туманингизда, яшайдиган маҳаллангизда тарқалган доривор ўсимликлар ҳақида маълумот тўплаш.

Доривор ўсимликларнинг илдизини тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш. Доривор ўсимликларнинг илдиз тузилиши, турлари, шифобахш хусусияти ҳақида маълумот. Улардан амалиётда фойдаланиш усуллари.

Доривор ўсимликларнинг илдизларининг ташқи кўринишини иш дафтаридида қайд қилинади ва расми солинади.

Доривор ўсимликларнинг барг тузилиши, турлари ва ташқи кўриниши. Доривор ўсимликларнинг барг тузилиши. Баргларнинг ташқи кўриниши. Ўсимлик танасида жойлашуви. Улардан тайёрланадиган шифобахш дорилар (ичимлик) ҳақида маълумот.

Доривор ўсимликларнинг баргини тўғарак қатнашчилари ўз қўллари билан иш дафтарга расмларни солиб боради ва улар ҳақида маълумот тўплайди.

Доривор ўсимликларнинг поясининг тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш. Поя ҳақида умумий маълумот. Ёш новдаларнинг тузилиши. Новдаларнинг пояда жойлашуви. Поя турлари. Ҳар хил пояли доривор ўсимликларни махсус дафтарга расмлари солинади ва улар ҳақида маълумотлар тўпланади.

Доривор ўсимликларнинг гулининг тузилиши, турлари ва улардан фойдаланиш. Гул тузилиши ҳақида маълумот. Гул турлари. Гулларнинг ранги. Гулидан фойдаланиладиган доривор ўсимликларни расмини иш дафтарга солиш. Доривор ўсимликларни ўрганиш мақсадида. Табиатга экскурсия уюштириш.

Доривор ўсимликларнинг уруғ ва меваларининг тузилиши, улардан фойдаланиш.

Уруғдан кўпаядиган доривор ўсимликлар ҳақида маълумот. Уруғнинг тузилиши, таркиби, ташқи кўриниши. Мева ҳосил бўлиш. Мева турлари ва уларнинг тарқалиши. Мевани пишиб етиш даври. Йиғиш. Саралаш, сақлаш фойдаланиш.

Уруғдан кўпаядиган доривор ўсимликларни адабиётлардан танлаш ва уларнинг расмини махсус дафтарга солиш.

“Экология ва саломатлик” тўғарак дастури

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан “Соғлом авлод” дастурининг ишлаб чиқилиши ва унинг ҳаётга тадбиқ қилина бошлаши билан мамлакатимиз аҳолиси сало-матлигига бўлган эътибор яна ҳам ортди.

Ушбу дастур моҳиятидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, республикамызда инсоннинг ўртача умрини узайтириш, кишиларнинг тиббий билимлар соҳасини кенгайтириш, улардаги экологик онг ва маданиятни чуқурлаштириш, инсонларнинг доридармонлар билан таъминланиш даражасини яхшилаш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардандир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан мактаб ва мактабдан ташқари муассасаларда ёшларимизга республикамызда вужудга келган экологик вазият ва унинг инсон саломатлигига таъсири, экологик ўзгаришлар туфайли келиб чиқувчи касалликлар, экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида билимлар бериб боришнинг жуда ҳам долзарблигини таъкидлайди.

Мазкур тўғарак дастури лойиҳа бўлиб ҳисобланади ва у лозим бўлган тўлдиришлар билан бойитилиб бориши мумкин.

№	Мавзулар	Назарий	Амалий	Жами
1	Экология ва гигиена ҳақида тушунчалар	2		2
2	Атмосфера ҳавосининг фаслларга қараб ўзгариши	1	1	2
3	Экологик жиҳатдан ифлосланган ҳавонинг одам организмига таъсири	1	1	2
4	Табиий муҳитга обиотик ва биотик омилларнинг таъсири	2	1	3

5	Ибн Синонинг болалар гигиенаси ҳақидаги фикрлари	2	1	3
6	Одамнинг овқат хазм қилиши ва овқатланиш тартиби		2	2
7	Эрталабки бадантарбия машғулотларининг аҳамияти		2	2
8	Умумчўмилиш хавзаларида шахсий гигиена		2	2
	Жами	8	10	18

Машғулоти олиб бориш учун услубий тавсиялар.

Экология ва гигиенанинг саломатлик билан боғлиқлигини тушунтириш. Экологик муаммоларнинг ҳал қилиниши ёзирги пайтда жуда ҳам долзарб масалалардан эканлигини ўқувчиларга тушунтириш.

Экология ва гигиена фанларининг яратилиш тарихи, уларнинг бошқа биологик ва тиббий фанлар орасида тутган ўрни ва бу фанларнинг вазифалари ҳақида тушунча бериш.

Экологик жиҳатдан ифлосланган ҳавонинг инсон организмнинг турли аъзо ва системалари учун зарари ҳамда бунинг натижасида рўй бериши мумкин бўлган салбий оқибатлар ҳақида тушунчага эга бўлиш.

Тўғарак қатнашчилари атрофдаги экологик муҳит билан таништирилиб, уларда ушбу масала бўйича маълум бир билим ва тасаввур ҳосил қилинади.

Ўқувчиларда экологик ҳолат ва инсон саломатлиги ўртасида боғлиқлик борлиги ҳақида тушунча ҳосил қилинади.

Ўзбекистонда ўсувчи доривор ўсимликлар, уларнинг шифобахш хусусиятлари, уларнинг турли хил касалликларни даволашда қўлланилиши ҳақида маълумот берилади.

Турли хил гербарийлар, ўсимликларнинг расмлари ёрдамида ўсимликларнинг дори тайёрлашда ишлатиладиган қисмлари, улардан дорилар тайёрлаш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Ичимлик суви ва унинг аҳамияти, уни тежаб-тергаб ишлатиш лозимлиги ҳақида тушунтирилади.

Ҳозирги пайтда ичимлик сувини тозалашнинг ниҳоятда зарур-лиги, уни амалга ошириш чоралари ҳақида маълумот берилади.

Ўқувчиларга давлат санитария ва гигиена талаб нормалари мавжудлиги, улар жуда кўп нарсаларга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларига ҳам белгиланиши ҳақида тушунтирилади.

Гигиена ва экологик ҳолатнинг болалар ҳамда ўсмирлар организми учун аҳамияти, уларнинг ривожланишида тутган ўрни ҳақида тушунча берилади. Болалар организмига ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар, уларнинг турлари ҳақида маълумот берилади. Болалик ёшида кўп учровчи касалликлар, улардан сақланиш йўллари ва даволаш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Аҳоли яшаш жойлари экологик талаб нормативларига жавоб бериши кераклиги, унинг аҳамияти ҳақида тушунча берилади.

Ўқувчилар билан биргаликда бирон-бир аҳоли пунктига экологик характеристика берилади ва хулосалар тўғарак аъзолари дафтарида қайд қилинади.

Республикаимиз аҳолисининг яшаш жойлари ва турли хил жамоат жойларида экология санитарияси нормалари ва уларга риоя қилиш лозимлиги тўғрисида ахборот берилади.

Аҳоли турар жойлари атрофига яшил ўсимликлар экишнинг аҳамияти, уларнинг ҳаво тозаллигини сақлашдаги роли ҳақида маълумот берилади.

Ўқувчилар мактаб тажриба участкасига олиб чиқилиб, у ердаги мевали ва мевасиз дарахтлар билан таништирилади.

Овқатнинг инсон организми учун энергетик аҳамияти, тўғри овқатланишнинг роли, овқатнинг инсон саломатлигини сақлашдаги тутган ўрни ҳақида маълумот берилади.

Турли хил озиқ-овқат маҳсулотларининг инсон организми учун физиологик аҳамияти, нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган касалликлар, овқатнинг экологик жиҳатдан тозаллигининг роли ҳақида тушунча берилади.

Кўргазмали қуроллар ёрдамида овқатнинг организмда ҳазм бўлиш жараёни ҳақида маълумот берилади.

Озиқ-овқатдан захарланишнинг салбий оқибатлари, ундан сақланиш чоралари, озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри сақлашнинг аҳамияти ҳақида тушунча берилади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг экологик ҳолатининг инсон саломатлиги учун аҳамияти тўғрисида маълумот берилади.

Жумҳуриятимиздаги экологик муаммолар, уларнинг тирик мавжудотлар организмига таъсири ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Турли хил кўргазмали қуроллар ёрдамида экологик муаммоларнинг тутган ўрни таҳлил қилинади. Экология ва гигиена ҳақидаги ҳадислардан мисоллар келтирилиб, уларнинг маъноси таҳлил қилинади. Ота-боболаримизнинг экология ва гигиена ҳақидаги хикматлари, миллий қадриятлар ҳақида маълумот берилади.

Ибн Синонинг инсон саломатлиги ва гигиена ҳақидаги хикматларидан келтирилиб, уларнинг маъноси таҳлил қилинади. Буюк

бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг гигиена ҳақида ёзган асарларининг номи келтирилиб, уларда гигиена ҳақида айтилган фикрларга изоҳ берилади.

Саломатликни асрашнинг нақадар муҳимлиги тўғрисида маълумотлар берилиб, улардан тегишли хулосалар чиқарилади.

Бадантарбиянинг соғлиқ учун аҳамияти, у билан мунтазам равишда шуғулланиш лозимлиги ҳақида маълумот берилади.

Соғлиқни асраш, организмни чиниқтириш, ҳар хил хасталикларга чалинмаслик чора-тадбирлари ҳақида тушунча берилади. Абу Али ибн Синонинг инсон мижози ҳақида айтган фикрлари таҳлил қилинади.

Шахсий гигиенага риоя қилишнинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти ҳақида маълумот берилади.

Оилада экологик тарбия олиб боришнинг аҳамияти, уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида маълумот берилади.

Оилада экологик тарбия беришнинг зарурияти, унинг нақадар долзарблиги ҳақидаги масалалар юзасидан амалий машғулот ўтказилади.

Экологик вазиятнинг аёл саломатлиги учун аҳамияти, аёл соғлиғининг экологик ҳолатга ҳам боғлиқлиги тўғрисида маълумот берилади. Ёш авлодда экологик онг ва маданиятни шакллантиришнинг нақадар муҳимлиги, уни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида маълумот берилади.

Ёшларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш масалаларига бағишланган амалий дарс ўтказилади.

Сайёрамизда кейинги йилларда рўй берган экологик муаммолар ҳақида маълумот берилади.

Тўғарак аъзоларининг билимларини аниқлашга бағишланган якуний машғулот ва мутахассис билан давра суҳбати ўтказилади.

